

ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ
АРАБ ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**“Балоғат илми: лафзий ва маънавий санадлар (Жалолиддин ал-Қазвинийнинг
“ат-Талхис” асари асосида)”**

Аннотация- ушбу малакавий битирув ишида балоғат илмидаги лафзий
ва маънавий санадлар Жалолиддин ал-Қазвинийнинг балоғатга оид
“Талхисул мифтах” асари асосида тадқиқ этилган.

Бажарди: “Араб филологияси”

кафедраси 4-курс талабаси

Хамралиев Шерали _____

(имзо)

Илмий раҳбар: “Араб филологияси”

кафедраси катта ўқитувчиси

Муталова Гулнора _____

(имзо)

Илмий маслаҳатчи: “Араб филологияси”

кафедраси доценти

Бегматова Бузахро _____

(имзо)

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ МАЗМУН-МОҲИАТИ ВА МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ (ЖАЛОЛИДДИН АЛ-ҚАЗВИНИЙНИНГ БАЛОҒАТГА ОИД “ТАЛХИСУЛ МИФТАҲ” АСАРИ АСОСИДА)	
1.1. “Фасоҳат” ва “Балоғат” атамаларининг луғавий ҳамда истилоҳий маънолари ва араб манбаларини ўрганишда балоғат илмининг аҳамияти.....	8
1.2. Жалолиддин ал-Қазвинийнинг балоғат илмини ривожига қўшган ҳиссаси.....	25
II-БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА ЛАФЗИЙ ВА МАЪНАВИЙ САНАДЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ	
2.1. Лафзий санадлар ва уларнинг ўзига хослиги.....	32
2.2. Маънавий санадларнинг хусусиятлари.....	49
ХУЛОСА.....	72
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	75

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирда Ўзбекистон дея аталмиш бу жаннатмакон юртимиз неча-неча олиму-уламо, фозилу-фузалоларнинг бешигини тебратиб, жаҳон саҳнига олиб чиққани, диний ва дунёвий илмларнинг асослари ҳам айнан мана шу юртда яратилгани, сайқал топгани барчамизга маълум. Шундай экан, биз авлодлар зиммасида буюк аждодларимиз қолдирган беназир бойлик ҳисобланмиш илмий ва маданий меросни кўз қорачиғидай авайлаб асраш ва уларни ўрганишдек улкан масъулият бор. Зеро, “жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган куч бу – маърифатдир. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”¹.

Араб тили дунё тиллари ичида энг кўп ўрганилган ва хануз ўрганилаётган тил ҳисобланади. У луғат бойлиги, қоидаларининг турлитуманлиги, бир сўзни бир неча услубда ишлатиш имкониятларининг кўплиги билан мукамалликда тиллар ичида ажралиб туради. Балки, шеваларининг жуда кўплиги билан ҳам дунёда юқори ўринни эгаллайди.

Бу тил Қуръони карим тили, жаноб Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васаллам тиллари бўлгани учун ҳам уни ўрганиш йўллари саҳобаи киромлар давридаёқ ишлаб чиқилган. Араб тилини ўрганиш учун ҳам бошқа тилларни билиб олиш учун керак бўладиган луғат, морфология, грамматика, яъни сарф ва наҳв илмлари мукамал ўрганилади. Шу билан бирга араб тилида мукамал гаплашиш ва уни тушуниш учун албатта, балоғат фани қоидаларини яхши билиш керак.

Балоғат илмини таҳсил қилиш орқали Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар маъноларини тўғри тушуниш ва нозикликларини теран англаш осон кечади ҳамда Қуръони каримнинг фасоҳат ва балоғат эътиборидан мўъжизакорлиги кашф бўлади. Шу боисдан, Қуръони карим тафсири, ҳадиси шарифлар шарҳи ва шариат китобларини ўрганмоқчи бўлган киши юқорида таъкидланганидек, луғат, сарф, наҳв илмлари билан бир қаторда балоғат

¹ Каримов.И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999.- Б.132.

илмини ҳам пухта эгаллаши лозим. Бу ҳақда юртдошимиз Абдурауф Фитрат кариб бир аср олдин шундай деган эди: “Такрор ва такрор айтдик-ки, диний ва ижтимоий таълимотимиз Қуръон ва ҳадисларда мавжуддир. Қуръон ва ҳадислар эса араб тилидадир. Яна динимизга оид аксар китобларимизни олимлар араб тилида ёзганлар. Бинобарин, шуларни тушунмоқ ва билмоқ учун араб тилининг сарфу-наҳвини ўрганишимиз зарур. Лекин бу етарли эмас, балки Қуръон маъноларини тушунишимиз учун балоғат илмини – баён, бадиъ ва маоний илмларини ҳам билишимиз лозим”².

Бу илм бошқа фанлардан ўзининг фазилати билан ажралиб туради. Зеро, унинг луғат сир-асрорларини очишда ва ҳазиналарини кашф этишда бетакрор ўрни ва услублари бор. Шунинг учун ҳам у тилнинг нозик, нафис ва дақиқ жиҳатларини ўрганишда бекиёсдир. Буюк ватандошимиз муфассирлар устози Жоруллоҳ Маҳмуд аз-Замахшарий “ал-Кашшоф” номли тафсирининг муқаддимасида шундай дейди: “Кимки тафсирга киришса, унинг ҳақиқатларидан ҳеч бир нарсасига ета олмайди, фақат Қуръонга хос бўлган икки илм - илми маоний ва илми баёнда билимдон, иккисини ўрганишда бир оз шошилмаган, тафтиш қилишда бир муддат машаққат чеккан кишигина унинг ҳақиқатларига ета олади”³.

Биз яна шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Лутфий, Фузулий, Умар Ҳайём, Машраб каби мумтоз адабиётимиз намоёндалари ўз шеър ва ғазалларида мажоз, ташбеҳ, истиора, киноя каби балоғат қоидаларидан кенг фойдаланганлар. Шундай экан, буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий меросни тўғри ва чуқур ўрганиб, бошқаларга етказишимизда ҳам балоғат илми катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, бу илм тил мусобақалари ва суҳандонлик беллашувларида олий мукофотни қўлга киритиш усуллари чуқур ўргатади. Бу билан ақлларни лол қолдирувчи жумлалар тузиш, ҳолат тақозосига мувофиқ тарзда

² Абдурауф Фитрат. Наҳот йўли. –Т., 2001. –Б. 49.

³ Маҳмуд аз-Замахшарий. Ал-Кашшоф. –Қоҳира, Мустафо ал-Бобий, 1948. –Жуз 1, Б. 16.

сўзлаш, бир сўзни турли маъноларда нуқсонсиз ишлатиш малакаларини ривожлантиради. Кўнгилдаги мақсадни чуқурроқ, кенгроқ ва тушунарли ҳолатда баён қилиш тажрибасини камолга етказди. Бу эса балоғат илмига эҳтиёж нақадар кучли эканини билдиради.

Мана шундай муҳим фан ҳисобланган балоғат илмининг тарихи, шаклланиши ва тараққиёт босқичларини ўрганиш бугунлик кунда мутахассислар олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Балоғат илмининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари юртимизда ҳозиргача тўлалигича ўрганилмаган. Лекин, Имом Бухорий номли Тошкент Ислом институти ўқитувчиси устоз З.Шарифов “Балоғат фанидан маърузалар матни” рисоласининг кириш қисмида балоғат илмининг тарихи ҳақида тўхталиб ўтган. Устоз бу маълумотларни асосан Ҳомид Авнийнинг “Минҳож ал-возиҳ” номли китобига таянган ҳолатда келтирган. Шунингдек, мазкур институт талабаларидан икки нафари шунга яқин мавзуда малакавий битирув ишини ҳимоя қилган. Бироқ, улар ўз малакавий битирув ишларида балоғат қоидаларига кенгроқ ўрин бериб, унинг тарихи ва шаклланиш жараёни борасида устоз З.Шарифов келтирган маълумотлар билан кифояланганликлари кўзга ташланади.

Балоғат илми бир-бирини тўлдирувчи бўлган учта илм: илми маоний, илми баён ва илми бадиъдан таркиб топган.

Илми маонийда арабий лафзларнинг ишлатилиш усуллари ва баъзи сўзларнинг ўрни ва салмоғи ҳақида баҳс юритилади. Илми баён эса, керакли мақсадни ифодалаш ва етказишда, шунингдек, таъсирини оширишда сўзларнинг ҳақиқий ва кўчма маъноларидан фойдаланиш усуллари ҳақида; илми бадиъ эса, илми маоний ва баёнлардан фойдаланган ҳолда гапириладиган ёки хатга тушуриладиган мақсадларни чиройли, бадиий,

кофияли, жарангли ва сўзларни бир-бирига уйғун қилиб келтириш услублари ҳақида баҳс қилади⁴.

Тилнинг имкониятлари ҳақида гап кетганда китобий тил (ёзув тили) ва оғзаки сўзлашув тилини фарқлаш лозим. Оғзаки сўзлашув тилида лингвистик воситалардан ташқари экстролингвистик (нолингвистик) воситалар ҳам ишлатилади ва бу муҳим рол ўйнайди. Экстролингвистик воситаларга гап оҳанги, юз ифодаси, имо-ишора кабилар киради. Шунга кўра сўзлашув стилистикасининг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Ёзув тилининг ишлатилиш доирасида ҳар-хил услублар бўлиб, улар жумласига қуйидагилар киради: 1) расмий стилистика; 2) илмий стилистика; 3) публицистик стилистика; 4) бадиий стилистика. Бизни қизиқтираётган мавзу бадиий стилистикадир.

Рус ва Европа олимларининг таърифларига кўра, ҳар бир сўзловчининг нутқдан ўз олдига қўйган мақсади бўлади. Масалан: хабар бериш, таъкидлаш, аниқлаш, гапнинг мазмунига муносабатини билдириш (афсусланиш, аччиқланиш каби). Араб балоғат илмининг асосчилари ҳам бу илмнинг вазифасини тахминан шундай белгилашади.

Тадқиқотнинг мақсади. Малакавий битирув ишининг асосий мақсади балоғат илмидаги лафзий ва маънавий санадларни Жалолиддин ал-Қазвинийнинг балоғатга оид “Талхисул мифтах” асари асосида тадқиқ этиш.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот қуйидагиларни илмий жиҳатдан тадқиқ этишга қаратилган:

1. Мўътабар луғат ва балоғат китобларига таянган ҳолатда “фасоҳат” ва “балоғат” атамаларининг луғавий ҳамда истилоҳий маъноларини баён қилиш.

2. Ислом манбаларини, хусусан, Қуръони Карим ва унинг тафсирини ўрганишда, шаръий далиллардан⁵ шаръий ҳукмларни чиқариб олишда балоғат илмининг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиш.

⁴ Аҳмад ал-Ҳошимий. Жавоҳир ал-балоға фи ал-маоний ва ал-баён ва ал-бадиъ. -Байрут, Дор ал-маърифат 1998 . -Б. 25.

⁵ Шаръий далилларнинг тўрт мазҳаб ўртасида иттифоқ қилингани Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсдир.

3. Балоғат илмининг мустақил фан сифатида шаклланиши ва ажралиб чиқишига ўз таъсирини кўрсатган омиллар, бу илмда биринчи бўлиб қалам тебратган, унинг ривожланиши ва такомиллашувида умрларини сарфлаб, меҳнатларини аямаган олимлар ҳамда уларнинг ёзган асарлари тўғрисида маълумотлар бериш.

4. Жалолиддин ал-Қазвинийнинг балоғат илми ривожига қўшган хиссасини кўрсатиш.

5. Лафзий санадларнинг ўзига хослигини очиб бериш.

6. Маънавий санадларнинг хусусиятларини ёритиш.

Малакавий битирув ишининг илмий янгилиги. Ислом манбаларини ўрганишда, шаръий далиллардан шаръий ҳукмларни чиқариб олишда балоғат илмининг тутган ўрни ва аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилинди. Балоғат илмининг шаклланиши, мустақил фан сифатида намоён бўлиши ва такомиллашув жараёни борасида атрофлича маълумот берилди. Буларни амалга оширишда она тилимизда ёзилган манбалар етишмаганлиги боис, асосан араб тилида битилган адабиётларга мурожаат қилинди.

Малакавий битирув ишининг таркиби кириш, ҳар бири икки бўлимни ўз ичига олган икки боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ (ЖАЛОЛИДДИН АЛ- ҚАЗВИНИЙНИНГ БАЛОҒАТГА ОИД “ТАЛХИСУЛ МИФТАҲ” АСАРИ АСОСИДА)

1.1. “Фасоҳат” ва “Балоғат” атамаларининг луғавий ҳамда истилоҳий маънолари ва араб манбаларини ўрганишда балоғат илмининг аҳамияти

Балоғат илмининг мазмун-моҳияти ҳақида гап борар экан, аввало “балоғат” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари билан танишиш, сўнгра бу илмнинг ғояси, аҳамияти ва зарурати тўғрисида маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Балоғат олимлари гапнинг балоғатли бўлиши учун унинг ҳолат тақозосига мувофиқ бўлиши билан бирга, фасоҳатли бўлмоқлигини шарт қиладилар. Шу боис, дастлаб фасоҳат ҳақида сўз юритилади.

Араб тилида “Фасоҳат” сўзи “очиқ бўлмоқ”, “равшан бўлмоқ” маъноларини билдиради. Шунга кўра, араблар яхши гапира бошлаган, тили равон бўлган ёш болага нисбатан ушбу жумлада ишлатилган сўзни қўллаб: أفصح الصبي في منطقه إفساحا яъни, гўдакнинг сўзлаши равшан-тушунарли бўлди, дейишади. Шунингдек, тонг ёришиб, унинг ёғдуси кўринган ҳолатни ифодалаш учун ҳам أفصح الصبح яъни, тонг ёришди, жумласини ишлатадилар⁶.

Истилоҳда эса фасоҳат сўз, гап ва сўзловчи учун сифат бўлиб келади. Масалан, бу ҳолатни “фасоҳатли сўз”, “фасоҳатли қасида” ва “фасоҳатли шоир” каби жумлаларда учратиш мумкин.⁷

التعريف : فصاحة الكلمة هي سلامتها من : تنافر الحروف و مخالفة القياس و الغرابة

Сўзнинг фасоҳати унинг учта айбдан холи бўлишидир. Бу айблар:

1) Сўздаги ҳарфларнинг ўзаро келишмаслиги; 2) Сўз машҳур вазн ва сарфий (морфологик) қоидаларга мос келмаслиги; 3) Сўзнинг ғариб (кам учрайдиган, одатда ишлатилмайдиган) бўлмоқлиги.⁸

⁶ Ибн Манзур. Лисон ал-араб. -Байрут, Дору ихё ат-турос ал-арабий, 2008. -Жуз 10 -Б. 269-270.

⁷ Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Қазвиний. Ал-ийзоҳ фи улум ал-балоға. -Байрут, Дор ал-жил, 1960. - Жуз 1 -Б.19.

⁸ Хифнибек Носиф, Муҳаммадбек Диёб, Султон Муҳаммад, Мустафо Тамум. Дурус ал-балоға. -Девбанд, Кутубхона Ўзбозийя, 1998. -Б. 21.

1) Ҳарфларнинг ўзаро келишмаслиги асосан, махражи бир ёки ёнма-ён бўлган икки ҳарфни кетма-кет талаффуз қилиш қийинлигидан пайдо бўлади. Тил ҳарф махражларига бориб келишга улгурмайди, натижада лафз бузиб айтилади. Бу эса ўз навбатида сўз маъносининг чалкаш ва тушунарсиз бўлишига олиб келади. 2) Арабий сўзлар ва уларнинг маъноларини аниқлашда вазн алоҳида аҳамият касб этади. Соф адабий тил бу вазнларнинг ўз ўрнида ишлатилишини талаб қилади. Агар сўз ҳақиқий вазнидан бошқа вазнда келтирилса, маъноси бузилади ва ғалат, яъни хато содир бўлади. Бундай ҳолатлар сўз вазни бузилишида рўй беради ва “муҳолафатул-қиёс” бўлимида ўрганилади. 3) Сўзнинг ғариб бўлиши кўпинча, соф араб тилида бўлмаган сўзни араб тилига хос хусусиятлар билан аралаштириб келтиришдан ҳосил бўлади. Энди бу айбларнинг ҳар бири билан мисоллар ёрдамида алоҳида танишиб чиқамиз.

تنافر الحروف

هو وصف فى الكلمة ينشأ عنه ثقلها على اللسان و عسر النطق بها

Танофур (ҳарфларнинг ўзаро келишмаслиги) сўзнинг ўзидаги ҳолат бўлиб, у туфайли сўзнинг тилга оғирлиги ва талаффузнинг қийинлиги пайдо бўлади.⁹ Бунга асосан ҳарфлар махражларининг бир-бирига жуда яқинлиги ёки бир махраждан эканлиги сабаб бўлади. Чунки товушларни меъёрга келтириб турувчи тил ҳар бир ҳарфнинг махражига бориб келишга улгурмайди. Натижада талаффуз қийин бўлиб, тилга бу сўз оғирлик қилади. Танофур икки хил бўлади: шадид - қаттиқ, яъни талаффузи жуда қийин ва хафиф - енгил, яъни талаффузи ўта оғир бўлмаган ҳолат¹⁰.

Шадид танофурга мисол: الهُعْثُ - янтоқ (чўл кемасининг севимли емиши), الظُّشُ - қаттиқ тепалик. Биринчи сўздаги ҳарфларнинг махражи битта бўлиб, ҳаммаси ҳалқум махражидан чиқади. Иккинчи сўз ҳарфлари эса тил махражидан чиқади. Кўриб турганингиздек, бу сўзлар тилга оғир,

⁹Ҳифнибек Носиф, Муҳаммадбек Диёб, Султон Муҳаммад, Мустафо Тамум. Дурус ал-балоға. -Девбанд, Кутубхона Ёъзозийя, 1998. -Б. 21.

¹⁰Аҳмад Мустафо ал-Мароғий. Улум ал-балоға ал-маоний ва ал-баён ва ал-бадиъ. Ал-мактаба аш-шомила, 2008. -Б. 15.

талаффузи қийиндир. Ана шундай сўзларни ғайри фасих, яъни фасоҳатли бўлмаган сўзлар дейилади.

Хафиф танофурга мисол: **النفاخ** - тиниқ, шаффоф сув, **المُسْتَشْزَرَات** - кўтарилган, кўтариб қўйилган ёки эшилган, буралган маъноларида бўлиб, шоир Имруъул-Қайс бу сўзни қуйидаги байтида аввалги икки маънода ишлатган: **غَدَائِرُهُ مُسْتَشْزَرَاتٌ إِلَى الْعُلَا تَضِلُّ الْعَقَاصُ فِي مَثْنَى وَ مَرْسَل**

Ёримнинг сочи қалин жуда,

Эплай олмас уни бунда.

Ўрилган сочи гоҳи тик турар,

Гоҳ оёқларига ўралар.

Бу мисолларда ҳарфларнинг махражлари яқинлиги ёки бир махраждан эканлиги талаффузга ва тилга қийинчилик туғдирыпти. Биринчи мисолимизда сўзнинг ҳарф махражлари битта – тил махражида, иккинчи мисолдаги ҳарф махражлари эса ҳалқум махражида жойлашган. Демак, ҳарфларининг махражлари битта ёки бир-бирига яқин бўлган сўзлар тилга оғир, талаффузи қийин бўлиб, улар ғайри фасих ҳисобланади.

Аммо, баъзан мазкур сифатлари бор, лекин фасих ҳисобланган сўзлар ҳам учрайди. Уларнинг талаффузи оғир бўлмагани учун шундайлигича ишлатиш қабул қилинган. **الشجي** - ҳазин, хафа, дардли; **الجيش** - қўшин; Қуръони каримдаги **ألم أعهد** (“Ёсин” сураси 60-оят) - “аҳдлашмаган эдимми?!” каби сўзларни мисол келтириш мумкин.

Танофурни балоғатнафисларнинг услубларини ўрганиш, уларнинг сўзларига диққат билан назар солиш орқали қўлга киритилган соғлом дид билангина аниқланади.¹¹

مخالفة القياس

هى أن تكون الكلمة مخالفة لما ثبت عن الواضع سواء كانت مخالفة للقياس الصرفى أو لا

Қиёсга хилоф бўлиш сўзнинг возеъ (тузувчи) томонидан ишлаб чиқилган машҳур вазнларга мос келмаслиги бўлиб, унинг (сўзнинг) хоҳ

¹¹Абдулҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-манор фи улум ал-балоға. -Қоҳира, ал-Азҳар, 1990. -Б. 10.

сарфий қоидаларга мувофиқ келмаслиги, хоҳ бошқа қоидаларга тўғри келмаслиги баробардир.

Маълумки, араб тилида сўзларнинг вазнлари уларнинг маъноларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир сўзни ўз вазнида келтирилмас экан, бу унинг маъносига ҳам, талаффузига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тажвид қоидаларида буни лаҳн ёки лағв деб айтиладики, улар хато сўз саналади.

Аммо, кўпинча шоирлар шеърларининг вазни, қофияси ва бошқа санокларини келиштириш учун ана шу қоидаларни бузишга йўл қўядилар. Бунга мисол шоир Мутанаббий шеъридаги بوقات сўзидир. Шоир ўз шеърида шох атрофидаги ҳамма кишилар ҳам халқ ғамида бўлмаслигини қаламга олади:

فإن يك بعض الناس سيفاً لدولة ففى الناس بوقات لها و طبول

Давлат-чун қилич бўлур одамлар сараси,

Лек аларнинг орасинда бор одамлар оласи.

Қилич бўлмоғин билдинг эй, ёшу ғайёра!

Билки, баъзилари чалур сурнаю нағғора!

Баъзи одамлар давлатнинг тинчлиги, тараққиётини таъминлашда қилич бўлсалар, уларнинг баъзилари эса, қўлидан иш келмайдиган карнайчи-ю ноғорачидирлар.

Ушбу байтдаги بوقات лафзи қоидага хилоф равишда зикр қилинган, чунки бу лафзнинг муфрази, яъни бирлик сийғаси باب أبواب каби бўлиб, باب أبواب вазнида келиши керак эди. Қоидага кўра, агар исм сўзларнинг ажваф ақсомига тўғри келса, яъни “айн” бобидаги ҳарфи иллат ҳарф бўлса, у албатта أفعال синиқ бўлган жам-кўплик вазнида келади. Шунга кўра: باب أبواب ، ҳал аحوال ва ҳаказо бўлади. Шоир шеър вазнига риоя қилиш учун أبواب лафзини бузиб, بوقات шаклида келтирди ва натижада у ғайри фасих бўлди. Шу билан бирга маъносини англашда ҳам қийинчилик туғилди.

Сарфий вазннинг бузилганига мисол:

الحمد لله العلىّ الأجل أنت مليك الناس رباً فاقبل

Ҳамду сано жалолатлиқ Аллоҳга хосдир,

Зоти инсонга подшолик Сенга мосдир!
Қабул қилгин мени Раббим, зоти нигорим!
Банданг бўлай, эй улуғ Парвардигорим!

Ушбу байтдаги **الأجل** сўзи сарф қоидасига хилоф равишда ишлатилгани учун ғайри фасихдир. Асл қоидага кўра, **فعل** нинг “айн” ва “лом”и баробарида икки ҳарф бир жинсдан келса, “айн” ва “лом”ни бир-бирига киритиб, идғом билан ўқиш вожиб бўлади. Ушбу сўзда ҳам, **فعل** нинг “айн” ва “лом”и баробарида икки ҳарф бир жинсдан келди. Уни идғом қилиб, **الأجل** деб ўқиш керак эди. Аммо шоир шеър вазнини бузмаслик ва қофияга риоя қилиш учун факкул идғом қилди, яъни идғомни очиб юборди.¹²

Гоҳида **قال** (деди) каби лафзларни **قَوْل** шаклида ишлатилиши учрайди. Бу ҳам хатодир. Чунки қоидага кўра, ҳаракатли “вов” ёки “ё” ҳарфларидан аввалги ҳарф фатҳали бўлса, бу ҳарфларни “алиф” га айлантириш вожибдир. Баъзан мазкур қоидага хилоф бўлса ҳам, фасоҳатли саналган сўзлар истеъмолда учрайди. Тилга енгиллиги, талаффузининг осонлиги бунинг асосий сабабидир. Масалан: **أبى يأبى** (бош тортди, юз ўгирди) феъли аслида **ضرب يضرب** (урди) вазнида келиши керак. Аммо музорийда “айн” бобини касра билан айтиш тилга қийинроқдир. Енгил ҳаракат ҳисобланган фатҳа билан айтилади ва фасоҳатли саналади.

Қоидага хилофлик сарф илми орқали билинади.¹³

الغرابية

هى أن تكون الكلمة وحشية غير ظاهرة المعنى ولا مأثوثة الاستعمال

“Ғаробат” луғатда “ёт бўлмоқ”, “бегона бўлмоқ”, “нотаниш бўлмоқ” бўлиб,¹⁴ истилоҳда эса маънога очик далолат қилмайдиган, истеъмоли машҳур бўлмаган ёввойи (бегона) сўзга айтилади.¹⁵ Сўзнинг бундай бўлишига сабаб, у соф араб тили истеъмолида йўқлиги бўлиб, унинг маъносини тушуниш учун кенг луғат китоблари ва ажам тилларига мурожаат

¹² Абдулҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-манор фи улум ал-балоға. -Қоҳира, ал-Азхар, 1990. -Б. 12.

¹³ Ҳифнибек Носиф, Муҳаммадбек Диёб, Султон Муҳаммад, Мустафо Тамум. Дурус ал-балоға. -Девбанд, Кутубхона Ёзозийя, 1998. -Б. 24.

¹⁴ Ан-наъим. Муаллифлар гуруҳи. -Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашрети, 2003. -Б. 584.

¹⁵ Мухтасар ал-маъоний. Саъдуддин ат-Тафтазоний. -Истанбул, Хулусий афанди, 1883. -Б. 15.

килишга эҳтиёж сезилади. Мисол: машҳур нахв олими Исо ибн Умар бир куни бозордан ўтиб кетаётганида беҳосдан уловидан йиқилиб тушди. Атрофига дарҳол одамлар тўпланишди. Улардан ғазабланган олим:

تکاکاتم علی ما لکم تکاکاتم علی تکاکوکم علی ذی جنّة افرنقوا
ва афрнқоу лафзи ғайри фасихдир. Чунки, бу лафзлар соф араб тилида истеъмол қилинмайди, шунинг учун маъноси ҳам маълум эмас. Буларнинг маъносини билиш учун қадимги араб-иброний тилига мурожаат қилиш керак бўлади. Шунда اجتماعم сўзи (жамландингиз, тўпландингиз) маъносида ва انصرفوا сўзи (тарқалинглари, кетинглари) маъносида эканлиги маълум бўлади. Демак, олим бундай деган экан:

ما لکم اجتماعم علی کاجتماعکم علی ذی جنّة انصرفوا

“Нима учун менинг бошимга жинни одамнинг олдига тўплангандек тўпланиб олдингиз?! Тарқалинглари!”¹⁶

Яна бир мисол: шоир ўз маҳбубасини таърифлар экан, унинг гўзаллигининг бир қиррасини المسرح лафзи билан ифодалайди:

أيامٌ أبدت واضحا مقلجا أغر براقا و طرفا أدعجا

و مقلّة و حاجبا مزججا و فاحما و مرسنا مسرجا

Ёдимда ҳандон отиб кулиб намоёнлариинг,

Оралари очик маржон дандонларинг.

Яшин ёғдусидек кўнглимни равшан этдинг,

Ки оҳудек қаро кўзлар-ла ўзингга ром этдинг.

Камондек ингичка узун сийрак қошларинг,

Қаро тунни уёлтирмиш дароз сочларинг,

Ҳам, ялтироқ нур сочувчи бурунларинг.

Байтдаги مسرح сўзининг ғаробатига сабаб, у иштиқоқ қилинган исми мафъулдир, ваҳоланки, ҳар бир иштиқоқ қилинган исмнинг ўша исм ундан чиқариб олинган масдари бўлиши лозим. Луғат китобларини текшириб чиқилганда бу моддадан (яъни مسرح моддасидан) фақатгина سراج ва سريجي

¹⁶ Ал-ийзоҳ фи улум ал-балоға. Муҳаммад ибн Абдуррахмон ал-Қазвиний. -Байрут, Дор ал-жил, 1960. - жуз 1 -Б.24.

сўзлари топилган, تسريح топилмаган¹⁷. Шунга кўра مسرجا ни ибн Дурайд “текислик ва силлиқликда Сурайжий¹⁸ қиличи каби”, деб тафсир қилган. Ибн Саййида эса уни “ялтирашда ва нур сочишда чирок каби”, деб тафсир қилади. Бу узоқ изланишлар ғаробат белгисидир.

Баъзи олимлар сўзнинг фасоҳатли бўлиши учун, у юқорида зикр қилинган иллатлардан холи бўлиши билан бирга, эшитишдаги кароҳатдан (жирканишдан) ҳам холи бўлмоқлигини шарт қиладилар. Бунга мисол Абу Тоййибнинг шеъридаги الجرشي лафзи:

مبارك الاسم أغر اللقب كريم الجرشي شريف النسب

Шоир бу шеърида Сайфуддавлани мадҳ қияпти. Шеърнинг маъноси: “Исми муборак, лақаби машҳур. Кўнгли саховатли, насаби шариф”. Чунки, унинг исми Алий, лақаби Сайфуддавла, ўзи ҳазрати Аббос розияллоҳу анҳу авлодларидан бўлган.

Хатиб Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Қазвиний: “Буни (эшитишдаги кароҳатдан холи бўлмоқликни) шарт қилишда назар бор”,¹⁹ дейди. Яъни, бу гап тўғри эмас, уни муҳокама қилиб кўриш керак. Чунки, эшитишдаги кароҳат фақатгина ғаробат туфайлидир. Ғаробатдан холи бўлмоқлик кароҳатдан ҳам холи бўлишни ўзида мужассам этади. Шундай экан бу қайдни қўшишга ҳожат йўқ²⁰.

Ғаробат арабларнинг гаплари, шоирлар ва адибларнинг ижод маҳсуллари ҳамда луғат китобларидан кўпроқ хабардор бўлиш билан аниқланади²¹.

فصاحة الكلام

و هي خلوصه من: تنافر الكلمات و ضعف التأليف و التعقيد مع فصاحتها

Гапнинг фасоҳати сўзлари фасоҳатли бўлиши билан бирга унинг уч айбдан холи бўлишидир. У айблар қуйидагилар: 1. Сўзларнинг танофури

¹⁷ Муҳаммад ибн Арафа ад-Дусукий. Хошияту мухтасар ал-маъоний. -Истанбул, Хулусий афанди, 1883. -Б. 15.

¹⁸ Сурайжий – қиличлар унга нисбат бериладиган бир темирчининг исми. Саъдуддин ат-Тафтазоний. Мухтасар ал-маъоний. -Истанбул, Хулусий афанди, 1883. -Б. 15.

¹⁹ Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 7.

²⁰ Саъдуддин ат-Тафтазоний. Мухтасар ал-маъоний. -Истанбул, Хулусий афанди, 1883. -Б. 16.

²¹ Абдулҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-манор фи улум ал-балоға. -Қоҳира, ал-Азҳар, 1990. -Б. 11.

(ўзаро келишмаслиги); 2. Гапнинг заиф тузилиши; 3. Маъносининг чигаллиги²².

Энди буларнинг ҳар бири билан алоҳида танишиб чиқамиз.

تنافر الكلمات

هو وصف في الكلمات مجتمعة يوجب ثقلها على اللسان و عسر النطق بها

Сўзларнинг ўзаро келишмаслиги сўзлар биргаликда ўқилгандаги ҳолат бўлиб, у сўзларнинг тилга қийинлиги ва талаффузга оғирлигини келтириб чиқаради. Аммо сўзлар алоҳида олинганда ҳар бири фасоҳатли бўлиши мумкин. Сўзлардаги танофурнинг ҳам шадид (каттик) ва хафиф (енгил) турлари бор.

Шадид танофурга мисол: ривоят қилишларича, баъзи саҳобийлар ғазотдан қайтаётганларида Ҳарб ибн Умайянинг қабри олдида ўтганлар. Шунда улардан баъзилари жинларнинг бу байтни ўқиётганини эшитганлар:

و قبر حرب بمكان قفر و ليس قرب قبر حرب قبر

Қабри Ҳарбнинг қабр йўқ бир қурбида,

Қабри Ҳарбнинг ўрни баланд ўринда.

Ҳарбнинг қабри даштдек кимсасиз баланд жойдадир, унинг қабри яқинида ҳеч қабр йўқдир²³.

Бу байтнинг иккинчи мисрасида сўзлар келишимсизлигини кўряписиз. Чунки, бу мисрадаги сўзларни бирга айтиш мушқил бўляпти. “Қабр”, “Ҳарб”, “қурб” каби сўзларни бирга ўқишда тил талаффузга қийналади, махражларга бориб келишга улгурмайди. Шунинг учун бу гап ғайри фасиҳ ҳисобланади.

Бу каби мисолларни ўзимиздаги “тез айтиш”ларда ҳам кўришимиз мумкин: Оқ чойнакка кўк қопқоқ, кўк чойнакка оқ қопқоқ; Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди; Салима Салимдан савол сўрадимиз, Салим Салимадан савол сўрадимиз?; Олим олдидаги олтига олмани олди; Ҳашар – ҳашардан шаҳар яшнар; ва ҳаказо...

Форс шеъриятдан мисол:

²² Муҳаммад ибн Абдулрахмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 7.

²³ Саъдуддин ат-Тафтазоний. Мухтасар ал-маъоний. -Истанбул, Хулусий афанди, 1883. -Б. 17.

Бо қурби қабри ғарибон гузар куний, чи шавад.

Ғарибларнинг қабри яқинига йўл олсанг, нима бўлади?

Бу байтда ҳам “қурби қабри” лафзлари талаффуз қилишга мушқил бўляпти.

Хафиф танофурга мисол: шоир Абу Таммом ўзи мактаётган кишига шундай эътироз билдиради:

كريم متى أمدحه أمدحه و الورى معى و إذا ما لمته لمته وحدى

Мақтасам, одамлар ҳам мен билан уни мактарлар,

Осмонга кўтариб, нарвонни олиб кўярлар,

Каромату саховоти мақтовлардан жўш урар.

Маломат айласам гар ани, ёлғиз ўзим айбларман ани,

Не учунким, чию чигунасин бир ўзим биларман ани.

Аввалги мисрадаги أمدحه أمدحه лафзларининг такрор келиши тилга оғир бўляпти. Бу эса гапнинг ғайри фасих эканини билдиради.

ضعف التأليف

هو أن يكون الكلام فى تركيبه مخالفا للمشهور من قوانين النحو كالإتيان بالضمير متصلا بعد "إلا" و

كالإضمار قبل الذكر

Гапнинг заиф тузилиши, у (гап) ўз таркибига кўра машҳур наҳв қоидаларига (грамматик қоидаларга) ҳилоф бўлмоқлигидир. Масалан, "إلا" истисно ҳарфидан сўнг замирни (кишилик олмошини) муттасил (ёпишган) ҳолатда келтириш ёки ғойиб замирни (учинчи шахс кишилик олмошини) маржиъидан (ўзи қайтадиган жойидан) илгари зикр қилиш кабилар бўлиши мумкин. Шеър:

و ما علينا إذا ما كنت جارتنا ألا يجاورنا إلاك ديار

Биз парво қилмаймиз, хотиримиз жам,

Жавру жафоларингга бор сабримиз ҳам.

Аё, сендан бошқа диёрлар бизни қўшни қилди,

Аё, сендан ўзга қанчалар бизни яқин қилди!

Байтда шоир ҳарфи истисно бўлган "إلا" га замири муттасил бўлган "ك" мухотабни келтирди. Қабул қилинган қоидага биноан эса, бундай ҳарфларга муттасил замирлар келиши дуруст эмас, балки мунфасил замир, яъни

алоҳида келадиган олмошларни бериш керак. Шоир, "إلا إياك" дейиши лозим эди. Аммо у фасих бўлмаган йўлни танлади.

Шоирларда يجوز للشاعر ما لا يجوز لغيره бошқаларга жоиз бўлмаган иш, шоир учун жоиз бўлади, деган қоида юради. Уларнинг айримлари шу қоидани ўзларига кучли дастак қилиб олганлар. Ваҳоланки, шеър зарурати деган баҳона етарли сабабдир.

Гапнинг фасоҳатига айб бўлувчи иллатлардан бири гапда замирларни тартибга ҳилоф равишда илгари келтириш ҳисобланади. Маълумки, олмошлар ўзидан аввалроқда ўтган бирор исмдан бадал бўлиб, унинг маъносига ва мақсадига ишора қилади. Албатта, бундай замирларни аввал келтириш билан гап маъносини англаш мураккаблашади. Бу билан гап ғайри фасих бўлиб қолади. Бунинг мисолига араб шеърини дурдоналаридан ушбу байтни келтириш мумкин:

ولو أن مجدا أخلد الدهر واحدا من الناس أبقى مجده الدهر مطعما

Ёри бўлса эди кишига бахту омад,
Кишини мангу қилур эди бу саодат,
Гар бўлса, башар орасида ўшал зот,
Бешак бўлғуси эди ул, Матъамдек зот.

Байтнинг иккинчи мисрасидаги مجده лафзидаги • олмоши ўзидан кейин зикр қилинаётган Матъам лафзига тегишлидир. Буни унинг маъноси ҳам билдирыпти. Аммо уни мана шу жойда, яъни Матъам лафзидан аввал келиши “الإضمار قبل الذكر”, яъни замирни илгари келтириш ҳисобланади. Бу билан гап ғайри фасих бўлди.²⁴

Форс тилида изофали иборадаги музоф илайҳни музофдан аввал келтириш ҳам шунга мисол бўлади. Масалан, улар “Алининг ғуломи” деган маънони ифодалаш учун “Ғулом-е Алий” дейиш ўрнига “Алий-и ғулом” дейдилар.

²⁴ Абдулҳаким Ҳасан Наънаъ. Ал-манор фи улум ал-балоға. -Қоҳира, ал-Азҳар, 1990. -Б. 14.

Араб тилидаги бундай иллатга ушбу машхур мисолни келтирадилар:
ضرب غلامه زيدا (ғуломи Зайдни урди).²⁵

Гап бўлаклари бўлган эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, сифат ва бошқаларнинг араб тилида ҳам ўз ўрни бор. Улар ўз ўринларида келиши шартдир. Акс ҳолда, гап фасохатига нуқсон етади ва уни ғайри фасих қилади. Бу иллат (ганинг заиф тузилиши) наҳв илми орқали билинади.²⁶

التعقيد

هو أن يكون الكلام غير ظاهر الدلالة على المعنى المراد لخلل واقع فيه

Таъқид, гапнинг унда воқе бўлган тартибсизлик туфайли кўзда тутилган маънога очиқ далолат қилмаслигидир.²⁷ Бу тартибсизликка гап бўлакларининг ўрни ўзгариши ёки ҳеч қандай ишорасиз бирор сўзни ҳазф қилиш (олиб ташлаш) сабаб бўлади ва гапнинг маъносини англаш қийин бўлиб қолади. Таъқид икки хил бўлади: лафзий, яъни лафзларнинг хато келтирилиши ва маънавий, яъни гап маъноси ва мақсадининг чигаллиги.

Лафзий таъқид — гапнинг назми ёки таркибидаги иллат, яъни тақдим (илгари келтириш), таъхир (кейинроқ келтириш), фасл (ажратиш), ҳазф (олиб ташлаш) ва шу кабилар сабабли маъносини англаш мушқил бўлиб қолиши.

Лафзий таъқид ҳам наҳв илми орқали билинади.²⁸

Маънавий таъқид — гапнинг зоҳирий маъноси анлангандан кейин ундан ирода қилинган асл мақсадни зеҳн идрок этшга қийналмоқлиги. Тингловчи гапни эшитиши биланок, бирор нарса тушунади, лекин бу сўзлардан асл мақсад нима эканини билиш учун чуқур мулоҳоза қилишга мажбур бўлади. Бундай жумлаларни тушуниш учун сўзларнинг зоҳирий, яъни очиқ, дарҳол маълум бўлган ва хафий, яъни яширин маъноларини топиш ва билиш керак бўлади.

²⁵ Муҳаммад ибн Абдулрахмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 7.

²⁶ Ҳифнибек Носиф, Муҳаммадбек Диёб, Султон Муҳаммад, Мустафо Тамум. Дурус ал-балоға. -Девбанд, Кутубхона Ёъзозийя, 1998. -Б. 24.

²⁷ Муҳаммад ибн Абдулрахмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 8.

²⁸ Ҳифнибек Носиф, Муҳаммадбек Диёб, Султон Муҳаммад, Мустафо Тамум. Дурус ал-балоға. -Девбанд, Кутубхона Ёъзозийя, 1998. -Б. 24.

Дўстлар дийдорига кучли соғинч изҳор қилиб шоир Аббос ибн Аҳнаф шундай дейди: سَأُطَلِّبُ بَعْدَ الدَّارِ عَنْكُمْ لِتَقْرَبُوا وَتُسَكِّبَ عَيْنَايَ الدَّمْعَ لِتَجْمَدَا

Узоқларга кетаман сиз яқинроқ бўлинг деб,

Селдай ёшлар оқизсин кўзларим, ҳам қотсин деб.

(Сизларга яқинроқ бўлиш учун тезда узоқларда яшашга ҳовли излайман. Ҳар сафар кўришганда кўз ёшларим сел бўлиб оқсин, кўзларим қотиб қолсин.)

Шоир ёронларини жуда яхши кўрса-да, улардан йироқларда маскан қилишни хоҳлайди. У ҳижрон ва айрилик, соғинч ва аламга парво қилмайди. Чунки шундай бўлса, ўртада учрашувга шавқ ва интилиш кучли бўлади. Шодлиги ҳам узоқ ва ёқимли кечади. Бунда гўё вақтни алдамоқчи ҳам бўлади, лекин асосий мақсад дўстлар дийдорига ҳақиқий маънода етишиш, унинг ришталарини мустаҳкамлашдир.

Шоир бу шеърида икки нозик кинояга ишора қилган:

Маънавий таъқид илми баён орқали билинади²⁹.

Балоғат уламолари гапнинг фасоҳатли бўлиши учун асосан мазкур учта айбдан холи бўлишни шарт қилганлар. Аммо, баъзи олимлар битта лафзнинг кўп такрорланиб келиши ва изофа занжирининг узайиб кетишидан ҳам холи бўлмоқликни қўшимча қилганлар.

Такрорнинг кўплигига мисол шоир Абу Тоййибнинг отни васф қилиб айтган шеъри: تَسْعِدْنِي فِي غَمْرَةٍ بَعْدَ غَمْرَةٍ سَبَّوحٌ لَهَا مِنْهَا عَلَيْهَا شَوَاهِدٌ

Саман отим зотдор от,

Юрмоғин сузмоқ деб боқ.

Унинг чун, ундан унга кўп,

Шоҳидларни бисёр деб боқ.

Ҳар сузганда қара бу ажиб отга,

Ғарқ этар каминани нақд саодатга.

²⁹ Ҳифнибек Носиф, Муҳаммадбек Диёб, Султон Муҳаммад, Мустафо Тамум. Дурус ал-балоға. -Девбанд, Кутубхона Ўзбозийя, 1998. -Б. 25.

Шоир, унинг (отнинг) балиқдек енгил ҳаракатлари, булутдек учиши менга саодат бахш этади, уни шундай кўриб қувнайман,- демокчи бўлади. Байтдаги *منها* *شواهد* дан *شواهد* мутааллиқ, *عليها* ҳол бўляпти, *شواهد* га мутааллиқ, *شواهد* ни ўзи мубтадои муаххар бўлиб, жумла *سيوح* га сифатдир. Иккинчи мисрадаги замирларнинг такрори гап фасоҳатига халал беряпти.

Изофа занжирининг узунлигига мисол: шоир Абдуссамад ибн Мансур кабутарга дил розини айтади:

حمامة جرها حومة الجندل اسجعى فأنت بمرأى من سعاد و مسمع

Сайра эй кабутар, сайра,
Сенинг жойинг гиёҳ унмас,
Тепалиқдир, сув чиқмас,
Тошлоқ жой у, тупроқмас.
Зероки, сен эй кабутар,
Суодга³⁰ кўринар жойда,
Овозинг эшитар жойда.

Биринчи мисрадаги *حمامة* (хамома), *جرعا* (жаръо), *حومة* (хавма), *الجندل* (ал-жандал) лафзларининг бир-бирига кетма-кет изофа занжири гап фасоҳатига айб ҳисобланади. Бу каби гап ва жумлалар ғайри фасиҳ дейилади.

Хатиб ал-Қазвиний: “Унда (такрорнинг кўплиги ва изофаларнинг чўзилиб кетишидан холи бўлмоқликни шарт қилишда) назар бор”,³¹ дейди. Чунки, агар такрорнинг кўплиги ва изофаларнинг чўзилиб кетиши туфайли талаффуз тилга оғир бўлса, сўзларнинг ўзаро келишимсизлигидан холи бўлмоқликни қайд қилиш билан ундан (такрорнинг кўплиги ва изофаларнинг чўзилиб кетишидан) сақланилди. Агар у сабабли талаффуз тилга оғир бўлмаса, у фасоҳатга халал бермайди. Қандай ҳам халал берсин, ҳолбуки, Қуръонда қуйидаги оятлар келган:

³⁰ Суод - маҳбубанинг исми. Муҳаммад ибн Арафа ад-Дусукий. Ҳошияту мухтасар ал-маъоний. -Истанбул, Хулусий афанди, 1883. -Б. 20.

³¹ Муҳаммад ибн Абдулрахмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 9.

ذِكْرُ رَحْمَةِ رَبِّكَ عَبْدَهُ زَكْرِياً – (Эй, Мухаммад! Бу) Раббингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг зикри (қиссаси)дир. (“Марям” сураси, 2-оят). Бу изофалар кетма-кетлигига мисол.

و نفس و ما سواها فألهمها فجورها و تقواها - нафс ва (У яратиб) тиклаган зотлар (инсонлар) билан қасамёд қиламан. Дарвоқе, унга (нафсга) фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам (У) илҳом қилиб қўйган.³² (“Шамс” сураси, 7-8 оятлар). Бу такрорнинг кўплигига мисол.³³

فصاحة المتكلم

ملكة يقتدر بها على التعبير عن المقصود بلفظ فصيح

Сўзловчининг фасоҳати шундай бир малака (лаёкат)ки, у орқали кўнглидаги мақсадини фасоҳатли лафз билан ифодалашга қодир бўлади.³⁴

Киши фасоҳатли гапириши учун аслида Аллоҳ таоло бу фазилатни унга илтифот қилган бўлади. Қолаверса, изланиши, кўп адабиётлар мутоала қилиши, айниқса, Қуръони карим, ҳадиси шарифлар фасоҳатига, улут мутафаккир олимларнинг асарларидаги сўз ишлатиш услубларига эътибор бериб, ўрганиб бориши керак. Сўз ва гапнинг фасоҳатига риоя қилган ҳолда исталган мавзуда дилидаги гап, фикр-мулоҳазаларни юзага чиқара билса, уни фасоҳатли, дейиш жоиз. Аммо бунга қодир бўлмаса, фасоҳатли дейилмайди.

“Балоғат”нинг луғатдаги маъноси الوصول والانتهاء “эришиш” ва “етишиш” бўлиб, араблар бирор киши мақсадини чуқур ифодалаб, етказа олса - بلغ الركب - بلغ الرجل بعبارته كنه مراده - дейишади. Карвон шаҳарга етиб борса – بلغ المدينة дейдилар.

Истилоҳий маъноси эса, гап ёки сўзловчига сифат бўлишига қараб белгиланади.³⁵ Демак балоғат, фасоҳат каби сўзга сифат бўлмайди. Шунинг учун هذا الكلام بليغ “бу гап балоғатлидир”, وهذا المتكلم بليغ “бу сўзловчи балоғатлидир” дейилади. Лекин هذه الكلمة بليغة “бу сўз балоғатлидир” дейилмайди.

³² Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. -Т., 2004. -Б. 305-595.

³³ Саъдуддин ат-Тафтазоний. Мухтасар ал-маъоний. -Истанбул, Хулусий афанди, 1883. -Б. 21.

³⁴ Мухаммад ибн Абдурраҳмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 9.

³⁵ Ҳифнибек Носиф, Мухаммадбек Диёб, Султон Мухаммад, Мустафо Тамум. Дурус ал-балоға. -Девбанд, Кутубхона Ўзбозий, 1998. -Б. 24.

Гапнинг балоғати унинг фасоҳатли бўлиши билан бирга муқтазои ҳолга (ҳолат ва шароит талабига) мос келишидир.³⁶

Ҳол деб сўзловчини шу гапни гапиришга ундаган ҳолат ва шароитга айтилади. Муқтазо – тақозо қилинган, талаб қилинган маъносида бўлиб, муқтазои ҳол гапни у ёки бу шаклда келтиришни талаб қилган ҳолатдир.

Мақташ, ёмонлаш, ўргатиш, ўрганиш, хабар бериш ва бошқа шу каби мақсадлар мазкур мазмунни ифодаладиган гапларни келтиришни талаб қилади. Агар мақсаддан бошқа ёки талабга жавоб бермайдиган гаплар келтирилса, унда балоғатли гап бўлмайди. Масалан, бир гуруҳ талабалар ўз устозларини кутиб турган бўлсалар ва ҳозир мана шу эшикдан келадиган киши ана шу устоз экани кутилаётган бўлса, эшикка қараб ўтирган бир талабанинг “Келдилар”-, деган гапи ҳаммага бирдек маълумдир. Чунки, кирган киши улар мунтазир бўлган устозларидир. Шу билан бирга бу гап балоғатли ҳисобланади. Агар бошқа киши кирса, “Келдилар”-, дейиш ғайри балиғ бўлади, балки балиғ бўлиши учун “Фалончи келди”-, дейиш керак.

Бир киши البستان مثمر - боғ мева берувчидир,- деб оддий мубтадо-хабар, яъни исмий жумла қилиб айтса, аммо эшитган киши масалан, бунга ишонмайди. Унинг инкорини кетказиш ва гапига ишонтириш учун гапини таъкид билан келтириши мақсадни амалга оширишда тўғри йўл ҳисобланади: إِنَّ البستان لمثمر – Албатта, боғ чиндан ҳам мева берувчидир. Ана энди тингловчи учун ишонишдан бошқа илож қолмади. Чунки, унга иккита таъкид билан: إِنَّ ва “لمثمر” даги таъкид “лом”и билан қайд этиб гапирилди.

Ушбу мисолдаги тингловчининг ҳолати (инкори) ҳол, сўзловчининг гапи (таъкиди) эса муқтазо бўляпти. Муқтазои ҳол ҳар хил бўлиб, тингловчининг аҳволидан келиб чиққан ҳолда ўзгараверади. Гап келтирилишига турли сабаблар бўлгани учун муқтазои ҳоллар ҳам турлича бўлади. Араблар لكل مقام مقال و لكل مقال مقام Ҳар жойнинг ўз сўзи ва ҳар

³⁶ Муҳаммад ибн Абдулрахмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 9.

сўзнинг ўз ўрни бор,- дейишади. Гап балоғатли ва хатолардан холи бўлиши учун фасоҳат ва балоғатга тегишли барча қонун-қоидаларни мукаммал билиш керак. Бу кўрсатмаларга риоя қилмасдан, масалан, зиёлиларга гапириладиган гапни содда ишчиларга, деҳқонларга тегишли гапни деҳқончиликка алоқаси бўлмаган инсонларга гапириш тўғри эмас. Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу:

حدثوا الناس بما يعرفون (أي بما يفهمون و المراد كلموهم على قدر عقولهم)
أحبون أن يكذب الله و رسوله

“Инсонларга улар биладиган (тушунадиган) гапни гапиринглар. (Яъни, ақлларининг даражасига қараб сўзланглар). Ёки Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ёлғонга чиқарилмоқлигини хоҳлайсизларми?!”, дедилар.³⁷

Шунга мувофиқ, эшитувчиларнинг ақлу-идрокларини ҳисобга олиб, қабул қилиш имкониятларидан келиб чиқиб, гап ва ибораларни яхшилаб танлаб олиш керак бўлади. Нутқнинг доимо фасоҳатли ва балоғатли бўлишига ҳаракат қилиш нотиқларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим.

بلاغة المتكلم ملكة يقتدر بها على تأليف كلام بليغ

Сўзловчининг балоғати шундай бир малака (лаёқат)ки, унинг ёрдамида балоғатли гап тузишга қодир бўлади.

Сўзловчининг нутқи фасоҳатли ва балоғатли бўлиши учун қўйилган шартларни кўриб чиқиб шуни айтиш мумкинки, нутқ балоғатли бўлиши учун аввало, у фасоҳатли бўлиши керак. Демак, ҳар бир балиғ (яъни, балоғат билан гапирувчи нотиқ ёки гапирилган нутқ) фасихдир. Аммо ҳар бир фасих (яъни, фасоҳат билан гапирувчи нотиқ ёки гапирилган нуқ) балиғ бўлавермайди.³⁸ Чунки, унинг гапи фасоҳатли бўлсада, муқтазои ҳолга мос бўлмаслиги мумкин.

Муқтазои ҳолга мувофиқ тарзда гап тузиш йўллари илми маонийда ўрганилади.

³⁷ Бадриддин ал-Айний. Умдатул-қорий шарҳи саҳиҳ ал-Бухорий. Ал-мактаба аш-шомила, 2006. -жуз 3. Б. 417.

³⁸ Муҳаммад ибн Абдулрахмон ал-Қазвиний. Талхис ал-мифтоҳ. -Истанбул, Хулусий афанди, 1900. -Б. 11.

Ҳомид Авний ўзининг “ал-Минҳож ал-возих” номли китобининг муқаддимасида балоғат илмини ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг учта муҳим сабабини келтиради:

1. Бу илмни эгаллаган ва унинг малакасини ҳосил қилган киши Қуръони каримнинг эъжозига ҳеч бир тараддуд ва иккиланишсиз ишонч ҳосил қилади. Бу билан, у ақидада муқаллид (бировга тақлид қилиб иймон келтирувчи) эмас, балки далил ва ҳужжат орқали иймон келтирувчи бўлади. Бу эса улкан шарафдир.

2. Бу илмни пухта ўзлаштирган киши араб тилининг нозикликларини ўзи ҳис қила олади, гапнинг мартаба ва ўринларини, унинг шеър ва наср жиҳатидан хусусиятларини идрок қила олади. Натижада, тўғри танқидий таҳлил майдонига йўл топиб, гапнинг сарасини маъносизидан ажрата билади.

3. Агар бу илмни ўрганган, унинг қонун-қоидаларидан хабардор киши бирор мақсадда шеър ёки наср айтмоқчи бўлса, ҳолатга мос келадиган лафзлар ва ибораларни келтириб ўз мақсадига етади. Чунки, унинг қўлида йўлини ёритиб боровчи машъаласи бор.³⁹

Биз яна шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, мумтоз адабиётимиз дурдоналари ҳисобланган шеър ва ғазалларда ҳам мажоз, ташбеҳ, истиора, киноя каби балоғат қоидаларидан кенг фойдаланилган. Шундай экан, буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий меросимизни тўғри ва чуқур ўрганиб, бошқаларга етказишимизда ҳам балоғат илми катта аҳамият касб этади.

³⁹ Ҳомид Авний. ал-Минҳож ал-возих. -Қоҳира, ал-Азҳар, 1991. -Б. 13.

1.2. Жалолиддин ал-Қазвинийнинг балоғат илмини ривожига қўшган ҳиссаси

Саъдуддин Абу Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Умар Абул Маъолий Жалолиддин Хатиб Қазвиний Шофеъий ҳижрий 666, мелодий 1268 йил туғилиб, ҳижрий 739, мелодий 1338 йил вафот этган.

Қазвиний Иззул Форусийдан⁴⁰ ҳадис ва фикҳ илмларини мукаммал ўрганди. Ва бошқа фанлар билан ҳам шуғулланиб, араб тили қоидалари, маоний ва баён илмларини пухта эгаллади.

У кишининг балоғат фанига тегишли учта асари мавжуд:

Биринчи асари “Талхис ал-мифтах”. Қазвиний бу асарини Саккокийнинг “Ал-Мифтах” асарининг учинчи қисми бўлган балоғат қисмига кичик бир мухтасар шаклда ёзганлар.

“Талхис ал-мифтах” асарига ёзилган шарҳларни санашда аввало муаллифнинг ўзини ушбу асарга шарҳ сифатида ёзган “ал-Идах” асарини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. “Мифтах талхис ал-мифтах”. Бу китоб муаллифи Муҳаммад бин Музаффар Халхолийдир. Халхолийнинг ушбу асари “талхис”нинг биринчи шарҳларидан ҳисобланади.

2. “Шарҳу талхис ал-мифтах”. Муаллифи Муҳаммад Шамсиддин Завзонийдир⁴¹.

3. “Ал-Мутаввал фил маоний вал-баён”, “ал-Мухтасар мин шарҳи талхис ал-мифтах фил маоний”. Бу икки асарнинг муаллифи Саъдуддин Тафтазонийдир⁴². Тафтазоний биринчи шарҳни кенг батафсил тарзда ёритганлар ва уни ҳижрий 748, мелодий 1348 санада ёзиб тугатганлар.

⁴⁰ Аҳмад бин Иброҳим бин Умар Абул Аббос Иззуддин Воситий Форусий. (614-694 х. 1218-1295 м). Воситда туғилиб ўша жойда вафот этган. Ўз асрида Ироқнинг шайхларидан бўлган. “Иршод ал-муслимин ли торикоти шайх ал-муттақин” асари муаллифи.

⁴¹ Муҳаммад бин Усмон бин Муҳаммад Шамсиддин Завзоний. (000-792 х. 000-1390м.). Наҳв ва баён уламоларидан. Исфаронийнинг наҳв тўғрисидаги “Лубб ал-албоб” асарини шарҳлаган. Қаранг: “Мўъжам ал-муаллифин” Умар Каҳҳола. 10-жуз. 285-бет. Ихя ат-турос. Байрут.

⁴² Саъдуддин Масъуд бин Умар бин Абдуллоҳ Тафтазоний. (712-793 х.= 1312-1390 м). Араб тили, баён ва мантиқ уламоларидан. Хуросон шаҳарларидан бўлган Тафтазон шаҳрида туғилган. Сарахс шаҳрида яшаганлар ва ўша жойга дафн қилинганлар. Кўплаб асарлар, шарҳлар ва хошиялар муаллифи. Қаранг: “Ал-Аълам” Хайриддин бин Муҳаммад бин Али бин Форис Зириклий. 7-жуз. 219-бет.

Иккинчи шарҳ биринчисидан қисқароқ шаклда бўлган. Буни ҳижрий 756, мелодий 1356 санада ёзиб тугатганлар. Ушбу икки шарҳ уламолар ўртасида шуҳрат қозониб, энг кўп фойдаланадиган асарлар жумласига киради. Шу сабабли ҳам шарҳларнинг ўзига яна кўплаб шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Қазвиний ушбу асарини муқаддимадан бошлаганлар. Муқаддимада фасоҳат ва балоғат маъноларини очиб бериш ва балоғат илми илмул маъоний ва илмул баёнга чекланганлиги ҳақида сўз юритганлар. Аллома балоғат илмини маъоний ва баён илмларига чеклаганликларининг сабаби, чунки бадеъ илми гапда балоғат ва фасоҳат жиҳатларига риоя қилгандан кейин бўладиган гўзаллаштириш хусусида баҳс қилади. Саккокий эса, фасоҳат ва балоғат тўғрисида баён илмининг охирида сўз юритган⁴³.

Қазвиний “Талхис ал-мифтах” асарини Саккокийнинг “Ал-Мифтах” асарининг учинчи қисми бўлган балоғат қисмига кичик бир мухтасар шаклда ёзганлар. Албатта унга баъзи ўзгартиришлар киритиб, айрим жумлаларни олдин, айримларини кейин келтирганлар. Олиб ташлаш лозим бўлган ўринларни олиб ташлаганлар. Ўз хулосларини келтириб ўтганлар. Хатиб Қазвиний ушбу асарини қуйидаги иборалар билан бошлаган: “Кўплаб неъматлар билан неъматлантирган ва баёндан билмаганларимизни ўргатган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Тўғри сўзни гапирганларнинг энг яхшиси ва ҳикмат берилганларнинг энг афзали саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг пок аҳллари ва хайрли саҳобаларига саловатлар бўлсин. Амма баъду⁴⁴. Балоғат ва унга тегишли илмлар энг қадри улуғ ҳамда ўта нозик илмлар сирасига киради. Зеро ушбу илм орқали араб тилининг нозик сир-у асрорлари ўрганилади, Қуръон назмидаги эъжоз кўринишлари кашф этилади. Фазилатли аллома Абу Якуб Юсуф Саккокий ёзган “Мифтах ал-улум” асарининг учинчи қисми балоғат илми борасида ёзилган машҳур китобларнинг энг манфаатлиси ҳисобланади. Ушбу асар ўзининг тартибини

⁴³ “Буғятул Ийдох литалхис ал-мифтах”. Абдулмутъал Соъидий. 1-жуз. 9-бет. Мактабатул адаб. 2005 й.

⁴⁴ “Амма баъду” – “ҳамд ва санодан сўнг” маъносини англатади.

гўзаллиги, тузилишининг мукаммалиги ва кўплаб қоидаларни ўзида жамлаганлиги билан бошқа китоблардан ажраб туради. Лекин баъзи лафздаги ортиқчаликлардан, чўзилиб кетганлигидан ва айрим чигалликлардан холи эмас. Шу сабабли қисқароқ қилиб изоҳлашга мухтожлиги бордир. Мен мана шу ишни амалга ошириш мақсадида унда келган қоидаларнинг мазмунларини қисқа шаклда ёздим. Ушбу мухтасар лозим бўлган мисоллар ва шеърлардаги далил ўринларини ҳам ўз ичига олган. Уни таҳқиқ қилиш ва тартиблашда бор имкониятимни ишга солдим. Лекин ўқувчиларга тушуниш осон бўлиши учун ҳаддан ташқари қисқартириб ташламадим. Ушбу мухтасарга “Мифтах ал-улум”дан бошқа китобларда мавжуд қоидаларни олдин бирор китобда очиқ-ойдин келтирилмаган қўшимчаларни ҳам киритдим ва уни “Талхис ал-мифтах” деб номладим. Аллоҳ таолонинг фазлидан ушбу мухтасар асли, яъни “Мифтах” манфаат бергандек манфаат беришини сўраб қоламан. У Зот мана шунинг Эгасидир. У кифоя қилгувчи ва вакилларнинг энг яхшисидир”⁴⁵.

Алломонинг ушбу айтган сўзларидан билинадики, “Талхис” балоғат илми борасида энг манфаати кўп бўлган “Мифтах ал-улум”нинг учинчи қисмидаги матнлардан ташкил топган бўлиб, шу сабабли ҳам “Талхис ал-мифтах”, деб номланган. Лекин унда маънони ифодалаб, мақсадни етказишда ортиқча иборалар кўплигини эътиборга олиб, ибораларни тартибга солиб, ундаги қоидалардан фойдаланган ҳолда, ундаги тартиб бўйича тартиблаган ва унга қўшимча хулосалар қўшганлар.

Баъзилар Қазвиний ўз асарини “Талхис ал-мифтах” деб номлаганидан ажабланишади. Чунки, унда фақат “Ал-Мифтах”нинг хулосаси эмас, балки унда Абдулқоҳир Журжонийнинг “Асрор ул-балоға” ва “Далоил ул-эъжоз” китобларини ва Ибн Синон Хўфажийнинг⁴⁶ “Сирр ал-фасоҳа” китобининг хулосалари ҳам мавжуд⁴⁷.

⁴⁵ Хатиб Қазвиний. “Талхис ал-мифтах”. Байрут-Ливан. Мактабатул Асрийя. 37-бет.

⁴⁶ Абуллоҳ бин Муҳаммад бин Саъид бин Синон Абу Муҳаммад Хўфажий Ҳалабий. (423-466 х.1032-1073 м). Шоир ва адабиётшунос бўлган. “Девону шеър” “Сирр ал-фасоҳа” каби асарлар муаллифи. Қаранг: “ал-Аълам” Зириклий. 4-жуз. 122-бет.

⁴⁷ Аҳмад Мароғий. Бухус ва аро фи улум ал-балоға

Ушбу билдирилган фикрларда муболағалик бор. Зеро, “Талхис”нинг матни “Асрор”га ҳам, “Далоил”га ҳам ва “Сирр ал-фасоҳа”га хулоса эмас. Бу фақатгина “Мифтах”нинг учинчи қисмига хулосадир. Абдулқохир Журжонийнинг асарларидан таъсирланганлик руҳияти “Мифтах”да кузатилиши мумкин. Чунки, Саккокий “Мифтах”ни ёзишда Журжонийнинг асарларига анча кўп мурожаат қилган.

Қазвиний “Мифтах”дан бошқа асарларга мурожаат қилганини “Талхис ал-мифтах”дан кўра “ал-Ийдох”да кўриш мумкин.

“Талхис ал-мифтах” асарига шарҳ ёзган Халҳолий⁴⁸ асарнинг аввалида шундай таъриф берган: “Ушбу асарда келган гўзал баҳсларни бошқа китобларда топиб бўлмайди. Агар қидирилса ҳам, фақатгина бунинг шарҳи бўлган “Ал-Ийдох”да топиш мумкин”⁴⁹.

Алломанинг балоғатни чуқур ўрганиш борасида тутган йўллари ва “Талхис”лари ҳозирги асримизгача балоғат илмларида илмий асос бўлиб келмоқда.

Шу сабали ҳам ушбу асарга асрлар давомида уламолар уни чуқур ўрганишга ва дарс қилиб ўқишга қиришиб кўплаб шарҳлар, ҳошиялар ва тақрирлар ёзилганлиги, унинг тадқиқотчилари наздида юксак илмий шуҳратга эга эканлигига ва албатта, балоғат фани борасида чуқур из қолдирганига далолат қилади.

“Талхис ал-мифтах” асари муқаддима ва учта бўлимдан иборат. Муқаддимада фасоҳат ва балоғат ҳақида сўз юритиб, ҳар бирига алоҳида тарзда таърифлар келтирган. Аввал фасоҳатга таъриф бериб, уни калимага, каломга ва мутакаллимга сифат бўлиб келишини айтган.

Биринчиси, фасоҳат калимага сифат бўлиб келиши, яъни калимани фасоҳатли бўлиши учун учта айбдан холи бўлишидир:

1. Калима ҳарфларининг бир-биридан қочиши.

⁴⁸ Муҳаммад бин Музаффар Шамсиддин Хотибий. Халҳолий исми билан танилган. Халхол қишлоғига нисбат берилган. Шофеъий мазҳаби уламоларидан бўлган. “ал-Масобих”, “Мухтасар” ва “Мифтах” асарларига ҳам шарҳ ёзган. Тахминан ҳижрий 745 йил вафот этган. Қаранг: “ад-Дурар ал-камина фи аъйан ал-мия”. Ибн Ҳажар Асқалоний. 1-жуз. 14-бет.

⁴⁹ Муҳаммад бин Музаффар Халҳолий. “Мифтах талхис ал-мифтах”. Байрут-Ливан. Дарул кутуб ал-мийя.

2. Уни машхур сарф қоидаларига мос келмаслиги.

3. Соф араб тилида йўқлиги.

Иккинчиси, яъни каломнинг фасоҳатли бўлиши учун ҳам учта айбдан холи бўлишни зикр қилган:

1. Каломни бўш тузилганлиги, машхур нахв қоидаларига хилоф келиши.

2. Калималарнинг бир-биридан қочиши, калималар биргаликда ўқилганда уларни тилга қийинлиги.

3. Калом ўзидаги иллат туфайли қасд қилинган маънога очиқ далолат қилмаслиги, яъни мақсаднинг чигаллиги.

Учинчиси, яъни мутакаллимнинг фасоҳати борасида: “Мутакаллимнинг фасоҳати, сўзловчи кўзланган маънони фасоҳатли лафзлар билан ифодалаб беришига имкон берадиган малакага эга бўлишидир”, деган таърифни келтирган. Албатта, ушбу шартлар ва таърифларни беришда ўз ўрнида мисоллар ҳам келтириб ўтганлар.

Сўнгра балоғат ҳақида гапириб, уни фасоҳатлик бўлиш шартларига риоя қилган ҳолда гапнинг муқтазои ҳолга⁵⁰ мос келиши деб таърифлаган. Сўзлашувда ўринга қараб сўзни мутлоқ ёки қайдлаб келтириш, ажратиб ёки улаб келтириш, қисқа ёки узун келтириш каби мақомларга эътибор беришлик киши сўзининг балоғатли эканлигидан дарак беришига ишора қилган. Мутакаллимнинг балоғати борасида: “у гапирувчини балоғатли сўзни ифодалашга қодир этадиган малакадир”, деган таърифни келтирган.

Муқаддима мана шундай тарзда бошланиб, сўнг бевосита биринчи бўлимга ўтилган.

Биринчи бўлим “علم المعاني”- илм ал-маъоний, унда муқтазои ҳолга мувофиқ келадиган араб лафзларининг ҳолатлари ўрганиладиган илмлар борасида баҳс олиб борилган. Ушбу бўлимни саккизта бобда чеклаган.

⁵⁰ Муқтазои ҳолга мос гапиришнинг маъноси: “муқтазо” – такозо этиш, талаб қилиш маъносида, “ҳол” – ҳолат, шароит маъносида бўлиб, балоғатда сўзловчи шароитнинг талабига мувофиқ гапириши “муқтазои ҳолга мос гапириш”, дейилади.

Биринчи боб “أحوال الإسناد الخبري” Хабарий исноднинг ҳолатлари. Ушбу бобда хабарий иснодни таъкидлаш ёки таъкидламасдан келтириш ва уни ақлий-ҳақиқий ёки мажоз бўлиши каби унинг учун пайдо бўладиган ишлар ҳақида баҳс қилинади. Иснод бир калимани ёки калима ўрнига жорий бўладиган нарсани ҳукмни ифода қиладиган даржада бошқа калимага ёки калиманинг ўрнига жорий бўладиган нарсага қўшиш.

Иккинчи боб “أحوال المسند إليه” Муснад илайҳнинг ҳолатлари. Ушбу боб ҳақида қуйида, яъни асосий қисмда батафсил баён қилинади.

Учинчи боб “أحوال المسند” Муснаднинг ҳолатлари бобида эса, уни ҳазф ёки зикр қилиш, ифрод яъни жумла қилмасдан келтириш, фълий ёки исмий жумла қилиб келтириш, уни қайдлаш ёки қайдламаслик, хослаш ёки хосламаслик, маърифа ёки накра қилиб келтириш, жумла қилиб келтириш ва уни кечиктириш каби мавзулар борасида баҳс олиб борилган.

Тўртинчи боб “أحوال متعلقات الفعل” Феълга боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳолати тўғрисида гапирганда мафъулнинг ҳазф бўлиши, мафъулни феълдан олдин келтириш, феълнинг баъзи маъмуллари бошқаларидан олдин зикр қилиш ва феълга боғлиқ бўлган нарслар атрофлича ёритган.

Бешинчи боб “القصر” Чеклаш бобида унинг қисмлари, уни ҳақиқий ва ғойри ҳақиқийга бўлиниши, шартлари, атф, нафий ва истисно, “إنَّمَا” (иннамо) каби воситалар билан чеклаш йўллари хусусида сўз юритилган.

Олтинчи боб “الإنشاء” Иншо⁵¹ бобида уни икки турли, яъни талаб ва ғойри талаб бўлишини айтган. Сўнгра талабни бешта тури бўлган буйруқ, манъ этиш, сўроқ, илтимос ва нидо қилишлар тўғрисида алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтган.

Еттинчи боб “القول في الوصل والفصل” Улаш ва ажратиш тўғрисида сўз. Ушбу бобда жумлаларни бир-бирига боғлаш ёки боғламасдан келтириш хусусида тўхталган. Бирлик лафзлар, жумлада ўзгариш ҳосил қиладиган ёки ҳосил қилмайдиган сўзларнинг ҳукмлари, жумлаларни бир-бирларига боғлаш

⁵¹ Барча каломлар иккига бўлинади, яъни калом хабарий ёки иншоий бўлади, бу борада илмий ишнинг 23-саҳифасида батафсил баён қилинган.

ўринлари, уни гўзаллаштирувчи нарсалар, ҳолатга далолат қилувчи жумлалар кенг тушунтирилган.

Саккизинчи боб “القول في الإيجاز والإطناب والمساواة” Қисқа, чўзиб ва баробар келтириш тўғрисида сўз. Ушбу бобни баробар келтиришга таъриф бериш билан бошлаган. Сўнгра ийжозни икки турли бўлишини айтиб, ушбу турларни зикр қилган. Кейин итноб яъни жумлани чўзиб келтириш борасида батафсил сўз юритган. Жумлани чўзиб келтириш сабабларини бирма-бир санаган.

Иккинчи бўлим “علم البيان” баён илмини ўз ичига олган бўлиб, “التشبيه” Ташбеҳ, “الاستعارة”⁵² истеъора, ва “الكناية”⁵³ кинояларнинг қисмлари тўғрисида баҳс юритилган.

Учинчи бўлим “علم البديع” Бадиъ илми тўғрисидадир.

Дарҳақиқат, Хатиб Қазвинийнинг “Талхис ал-мифтах” асари балоғат фанига доир ёзилган китобларни, араб балоғати ва адабиётини янада кенг тушунишга ёрдам беради. Балоғат фани соҳасида ёзилган муҳим ва илк китоблар Абдулқоҳир Журжонийнинг “Асрор ул-балоға” ва “Далоилул эъжоз”, Саккокийнинг “Ал-Мифтах” ва бошқа китобларни чуқур ўзлаштиришга асосий дебоча ҳисобланади.

⁵² Истиора деб, гапда бир лафзни маълум маънони англатадиган асл маъноси бўла туриб, шоир ёки шоир бўлмаган киши у учун лозим бўлмаган ўринга келтириб ишлатишига айтилади.

⁵³ Киноя деб, бир лафзни ишлатиб, уни ҳақиқий маъносини қўзда тутиш имкони бўла туриб, у лафз лозим тутган нарсани мақсад қилишга айтилади, мисол: узун бўйинбоқли киши, деган гапни олсак, узун бўйинбоқ сўзидан кишини бўйи узунлигига ишора қилинмоқда, чунки узун бўйинбоқни фақат бўйи узун кишилар такадилар.

II-БОБ. БАЛОҒАТ ИЛМИДА ЛАФЗИЙ ВА МАЪНАВИЙ САНАДЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

1.1. Лафзий санадлар ва уларнинг ўзига хослиги

Лафзий ва маънавий санадлар ҳақида сўз кетганда, авваламбор бадеъ илмига мурожат қилиб, у ҳақида умумий тушунча ва маълумотларга эга бўлмоқ лозим. Чунки лафзий ва маънавий санадлар бадеъ илмининг асосини ташкил қилади.

Бадеънинг луғавий маъноси бетакрор, чиройли қилиш, таъсирли, кофияли деганидир.

Бадеъ илмида биринчи бўлиб қалам юргизган зот Абдуллоҳ ибн ал-Мўътазз ҳисобланади. Бу зот илми бадеънинг алоҳида илм ва фан даражасига келтирдилар. Тадқиқотлар қилиб ўн еттита навини аниқладилар.

У зот: “Мендан илгари ҳеч ким илми бадеъ ҳақида қалам ушламаган, уни ҳеч ким китоб ва илм шаклига келтирмаган. Ким мана шу ўн еттитага қаноат қилиб унга амал қилишни хоҳласа, амал қилсин. Ким уни бошқа яна нозик ва гўзал қирраларини топса ва уни қўшиб қўйишни ирода этса, ихтиёри ўзидадир”, - деганлар.

Ул зотнинг асрдошлари Қудома ибн Жаъфар бу навларни ўрганиб чиқиб, уларни ўттизтага етказдилар. Кейин бу зоти шарифга ўз замонасининг аҳли фазл ва аҳли илму-амал бўлган зотларидан Абу Ҳилол Аскарий ва ибн Рашиқ кабилар эргашдилар. Сўнг Софюддин ибн Ҳаллий жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мактаб қасида битди. Унда илми бадеънинг бир юз элликдан ортиқ навини келтирди. Ҳар байтнинг хошиясига қайси навга тааллуқли эканини ва унга байтни далил сифатида зикр этган.

Шундан кейин кўпгина қасиданавислар унга эргашдилар. Натижада унинг навлари бир юз олтмишдан ошиб кетди⁵⁴.

Яна шуни яхши билиш лозимки, бадеъ илмининг маоний илми ва баён илмидан фарқи бор. Фарқи шуки илми маъоний ҳам, илми баён ҳам маънони

⁵⁴Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннаҳр нашрети, 2014. -Б. 226-227.

асоси ва уни атрофида баҳс юритилади. Илми маъоний гапни муқтазога мос келишини ўргатади, яъни гап талаб этилган ҳолатга мувофиқ бўлишини ўргатади. Илми баён эса бир маънони турли лафз ва гаплар билан комилроқ ифодалаш услубларини ўргатади.

Аммо илми бадеъ эса, айнан маъно ёки лафз устида баҳс юритади, бунда уни мақсади чиройли ва ажойиб қилиш, гўзал ва ялтироқ кийимларга ўраш билан қалбни эритиш, кўнгилни асир қилиш услубларини ўргатади.

Шундан илми маъоний ва баён гапни чиройли қилишга хизмат қилиши зотий экани билинади. Илми бадеъ - калом муқтазога мос ва қасд қилинган маънога очиқ далолат қилгандан кейин уни зийнатлаш экан. Бу унинг оризий - кейин пайдо бўлган эканини билдиради.

Бу илмларни таъбир жоиз бўлиб, бирон нарсага ўхшатиш мумкин бўлса, илми маоний ва баён ҳашаматли бинонинг асоси ва деворлари бўлса, илми бадеъ шу бинонинг баланд ва тиллодан ишланган, турли қимматли тошлар ўрнатилган куббасига ўхшайди. Ёки гўзал бир ҳурулиқонинг бўйнига осилган бебаҳо тақинчоқ мақомидадир.

Демак, бадеъ илми гап ўз маъносига очиқ далолат қилиб, муқтазога риоя этилган (яъни, талаб қилинган ҳолатга мос тушган)дан сўнг, уни гўзал қилиш услубларини ўргатади. Гўзал қилиш яъни таҳсин – чиройли қилиш икки хил – лафзий ва маънавий бўлади.

Агар чиройли қилиш, зийнатлаш аслида гапнинг маъносига дахлдор бўлса, уни маънавий таҳсин дейилади. Унга лафзни зийнатлашни эргаштириш мақсад қилинмайди.

Зийнатлаш гапнинг аслида лафзларига дахлдор бўлса, у лафзий бўлади. Унда ҳам маънонинг таҳсинини эргаштириш дуруст эмас.

Ушбу таҳсинотларнинг, хусусан лафзий таҳсиннинг ҳосил бўлишини фақат маъно талаб қилган ҳолатдагина амалга ошишига уламолар иттифок қилганлар.⁵⁵

⁵⁵ Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 228-229.

Лафзий санадларнинг таҳсинотлири

Юқорида зийнатлаш гапнинг аслида лафзларига дахлдор бўлса, у лафзий бўлади. Унда ҳам маънонинг таҳсинини эргаштириш дуруст эмас.

Ушбу таҳсинотларнинг, хусусан лафзий таҳсиннинг ҳосил бўлишини фақат маъно талаб қилган ҳолатдагина амалга ошишига уламолар иттифок қилганлар дейилади.

Бу гапларнинг қофияли, муродифли ва бошқа нозик сўз ўйинлари ёрдамида гапни ҳам чиройли ва таъсирли қилиб тузиш услубларини кўрсатади. Унинг бир неча турлари бор:

1. Жинос (الجناس)⁵⁶, шунингдек уни мужонаса ва тажонус (المجانسة) (والتجانس) деб ҳам юритадилар. Яъни, гап ёки жумладаги сўзларни жинсдош бўлиши маъносида, талаффуз ва жарангдорликда бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлишидир. Гапнинг жаранги ва ёзилиши бир-бирига мос бўлиб келгандагина у чиройли тузилган бўлади. Маъносини ўз ҳолича қўйиб юборилаверади, лекин уни ифодалаб бера оладиган ва зийнатлайдиган лафзлар билан кийинтирилади. Шунда бундай гаплар инсон эътиборини ўзига жалб этади, диққатини қулоққа айлантиради, ёқимлик бўлади.

Таърифи: الجناس أن يتفق اللفظان في وجه من الوجوه الآتية بعد مع اختلاف المعنى فيهما

Жинос бу икки лафзни бир-бирига ушбу сабабларнинг бирида мувофиқ келишидир. Яна бир шарти бу лафзларнинг маъноси бир-бирига тўғри келмаслигидир. Бу сабаблар: комил бўлган (التام) ва комил бўлмаган (غير التام) икки хилга бўлинади.

الجناس التام هو ما اتفق فيه اللفظان في أربعة أشياء – في نوع الحروف و عددها و هيئتها و ترتيبها

Комил бўлган жинос икки лафзнинг тўрт ҳолатида бир-бирига мос келишидир. Булар: ҳарфларнинг тури, сони, аҳволи ва тартибидир.

قوله تعالى: و يوم تقوم الساعة يقسم المجرمون ما لبثوا غير ساعة (الروم ، 55)

Қиёмат қойим бўладиган кунда жиноятчи кимсалар (дунёда) бир соатдан ортиқ турмаганларига қасам ичурлар...

⁵⁶ Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. ал-Мутоввал шарҳу талҳиси мифтаҳил улуми. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001.-Б. 682.

Ушбу мисолда “الساعة” лафзи икки марта икки маънода ишлатилди. Биринчи “الساعة” қиёмат куни маъносида, иккинчиси вақт бирлиги бўлган ҳақиқий маъносида ишлатилди ва улар ушбу тўрт ҳолатда бир-бирига мос келди.

Комил бўлган жинос уч хил бўлади: 1. Мумосал – бир-бирига айнан ўхшаш; 2. Муставфо – тўлиқроқ ва 3. Мураккаб.

Биринчиси: ⁵⁷المماثل икки лафзнинг исм, феъл ва ҳарф бўлишида бир-бирига мос келишидир. Ҳар икки жинос бўлган сўзлар ҳам исм сўз туркумидан бўлганига мисол Абу Таммомнинг байти:

فأصبحت غرر الأيام مشرقة بالنصر تضحك من أيامك الغرر

Ёруғ кунлар, омон кунлар,

Нусрат ила чарогонлар!

Нусрат ила шодланур,

Сенинг шарафу карам-ла

Тўлган бахтли чоғларинг!

Байтдаги биринчи “غرر” лафзи оқлик, ёруғлик маъносида, иккинчиси карам ва шараф маъносида бўлиб, Ҳар икки жинос бўлган сўзлар ҳам исм сўз туркумидандир. Иккови феъл бўлганига мисол:

فلان يجيد أمرين : يضرب فى البيداء فلا يضل و يضرب فى الهيجاء فلا يكل

Фалончи икки ишни жуда пухта бажаради: чўл-биёбонда юриб, йўлда адашиб қолмайди. Қизиб турган жанг майдонида тушса, ҳеч чарчамайди, қиличи ўтмаслашмайди.

Биринчи “يضرب” феъли юрмоқ, масофаларни кесмоқ маъносида, иккинчиси эса, жанг майдонида душман бўйнига қилич солмоқ, зарба бериш маъносида ишлатилди. Ҳар икки жинос бўлган сўзлар ҳам феъл сўз туркумидандир. Иккови ҳарф бўлганига мисол:

تذرع بالصبر تظفر به

Сабрни етгил зироат, зафар қучгайсан ул сабаб.

⁵⁷ Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. ал-Мутоввал шарҳу талхиси мифтахил улуми. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001.-Б. 683.

Биринчи “الباء” ҳарби феълни ўтимли қилиш учун, иккинчиси сабабийлик учун ишлатилгандир.

Иккинчиси: *المستوفى* икки бир хил лафз бошқа-бошқа сўз туркумларидан бўлишидир. Икки жинос лафзнинг бири исм, бошқаси феъл туркумидан бўлганига мисол: Абу Таммом байти:

ما مات من كرم الزمان فإنه يحيا لدى يحيى بن عبد الله

Замон улугларидан ўлмаб бирон киши,

Зеро яшайгум Абдуллоҳ ўғли Яҳё ҳузурида ул киши.

Байтдаги “يحيى” лафзининг биринчиси ҳозирги давом феъли, иккинчиси машҳур аълам исмдир. Байт:

إذا رماك الدهر فى معشر قد أجمع الناس فى بغضهم
فدارهم ما دمت فى دارهم و أرضهم ما دمت فى أرضهم

Отса ҳаёт сени одамлар орасига,

Бир-бирига ёв, аларни оласига.

Муроса қил, уларни ёнида бўлсанг!

Рози қилгин, ризо ерида турсанг!

Учинчи мисрадаги биринчи “دارهم” лафзи буйруқ майли феъли, иккинчиси эса исмдир. Тўртинчи мисрадаги “أرضهم” лафзининг биринчиси буйруқ майлидаги феъл, иккинчиси исмдир. Икки жинос бўлган лафзнинг бири исм, бошқаси ҳарф бўлганга мисол:

رب رجل شرب رب رجل آخر

Кўп кишилар борки, ичиб қўяр май-мусалласин ўзга кишилар.

Биринчи “رُب” жар ҳарфи, иккинчиси узумдан сиқиб олинган шаробдир. Икки жинос бўлган лафзларнинг бири феъл, бошқаси ҳарф туркумидан келганига мисол:

علا محمد عليه الصلاة والسلام على جميع الأنام

Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом барча инсонлардан (барча фазилятларда) устун бўлсин. Биринчи “علا” лафзи ўтган замон феъли (дуо, умид майли), иккинчиси жар ҳарфидир.

Учинчиси: ⁵⁸ **المركب** ҳар икки жинос бўлган лафзлар ёки уларнинг бири бошқа-бошқа сўзлардан (ёки сўзнинг қисмларидан) таркиб топган, тузилган бўлишидир. Ҳар иккови мураккаб жинос бўлганига мисол:

فلم تضع الأعدى قدر شانى و لا قالوا : فلان قد رشانى

Камситмади ғанимлар кадру-шаънимни,
айтмас бўлди улар: пора ила олди фалони мени.

Биринчи байтдаги жинос лафзлар икки исмдан тузилган: **القدر و الشان** “кадр-қиймат ва шаън”, иккинчи байтдаги жинос эса “**قد**” таҳқиқия ҳарфи, **رشوة** – пора олиш феъли ҳамда **نى** мутакаллим замиридан иборатдир. Бундай жиносларни жинос мулаффақ (ўйлаб топилган, ихтиро қилинган) дейилади.

Жинос лафзларнинг бири мураккаб бўлиши уч хилдир: 1. **Марфу** – чегаланган, ямоқ қилиб ёпиш; 2. **Муташобаҳ** – ўзаро ўхшаш; 3. **Мафрук**.

المرفو Марфу - жинос лафзларнинг бири бутун бир калима ва иккинчиси бошқа калиманинг бир қисмидан тузилган бўлади:

أ هذا مصاب أم طعم صاب؟

Шуми мусибат, аламу қайғу

Ё аччиқ аламнинг эрурми таъми?!

Чапланган, ямалган ва чегаланган деганда, биринчи лафз “**مصاب**” тўлиқ муфрад лафздир, иккинчиси эса “**صاب**” лафзи аччиқ қалампир маъносида ва “**طعم**” калимасининг “**الميم**” ҳарфи билан ясалди.

المتشابه Муташобаҳ – жинос икки калимадан тузилган бўлади ва бу икки калима ёзувда бир-бирига мувофиқ келади.

إذ ملك لم يكن ذا هبة فدعه فدولته ذاهبة

Ки, гар малик, саховатдан бўлса маҳрум,

Қўй уни ўз ҳолига, ки давлату боридан ўзи маҳрум!

Биринчи лафз икки калима “**ذا**” ва “**هبة**” дан тузилган бўлиб, саховат эгаси, қўли очиқ, хайру эҳсон соҳиби маъносида; иккинчи лафз муфрад

⁵⁸ Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. ал-Мутоввал шарху талхиси мифтаҳил улуми. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001.-Б. 683.

бўлиб “ذاهبة” маъносидадир. Кўриниб турибдики, ёзуви бир хил бўлган, маънолари бошқа бўлган жинос бир қаторда келтирилди.

*Улуғларда бўлмаса ҳиммат, саховат,
Кўнгил берма, кетур бағринг доғ, адо,
Тарк эт аниким, йўқ анга давлат на саодат
Улуғлар улуғликдан айрилулар тоабод!*

⁵⁹ **المفروق** **Мафрук** – жиносининг шундай турики, бунда икки калимадан тузилган жинос бир-бирига ўхшаш лафзлар бўлиб, ёзувда бир оз фарқи бўлади.

Байт:

ما لم تبالغ قبل فى تهذيبها	لا تعرضن على الرواة قصيدة
عدوه منك وساوسا تهذى بها	فإذا عرضت الشعر غير مهذب

*Зинҳор кўрсатмагин қасидангни ровийларга,
Етказмаган бўлсанг қасидангни низомларга,
Етилмаган шеърни арз қилсанг инсонларга,
Мазаҳ қилиб турарлар, кўмиб нуқсонларга,
Ўзингдан ганим ясаб, валдирар васвасларни!*

Биринчи лафз муфрад ва у “هذب و يهذب” масдари “التهذيب” тарбиялаш, таълим бериш, ислоҳ қилиш ёки тараққий этиш маъносида, иккинчиси икки сўздан иборат бўлиб, улар “تهذى” валдирайди, алжирайди маъносида ва жар ҳарфи ҳамда замирдан иборат. Кўриниб турибдики, икки калима бир ўзгариш билан ёзувда келтирилди.

Жинос ғайри том – комил бўлмаган жинос икки бир-бирига ўхшаш лафзларда тўрт сўзнинг аҳволларидан бирида ўзгариш бўлишидир. Бу аҳволлар сўзнинг ҳарфлари, ҳарфларнинг сони, ҳайъати ва тартибидир.

Ҳарфнинг турида ўзгариш келган жинос икки хил: المضارع музореъ (ўхшаш, монанд) ва لاحق лоҳиқ (ёпишувчи) турларига бўлинади. **Музореъ**

⁵⁹ Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттаҳ фи шарҳи тилхисил мифтах. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003. -Б. 47.

шундай жиноси, унда икки жинос калиманинг биттадан ҳарфлари орасида маҳражлари ҳар хил келади. Бу ҳар хиллик калималарнинг бошида, ўртасида ёки охирида бўлиши мумкин.

Бошида келганига мисол:

بینی و بین کنی لیل دامس و طریق طامس

Мен ва яширинадиган жойим орасида зулматли қоронғу кеча ва юрадиган йўлини ўзи йўқ бўлган йўл бордир. Бу мисолда биринчи лафздаги “الدال” ва иккинчи лафздаги “الطاء” ҳарфларининг маҳражи бир-бирига яқин бўлиб, улар тил ҳарфларидир.

Ўртасида келганига мисол:

قوله تعالى: و هم ينهون عنه و ينأون عنه (الأنعام ، 26)

Улар ундан (Исломдан) қайтарадилар ва ундан (ўзлари ҳам)

узоқлашадилар...

“الهاء” ва ҳамза ҳарфларини талаффузлари бир-бирига яқин ва маҳражлари ҳалқумдир.

Охирида келганига мисол:

قوله صلى الله عليه وسلم: الخيل معقود فى نواصيها الخير

Расул акрам алайҳиссалом сўзлари: Отнинг пешонасига яхшилик тугиб қўйилгандир. “اللام” ва “الراء” ҳарфлари ёрдамида жинос бўлди ва бу ҳарфларнинг маҳражи бир-бирига яқин бўлиб, у тилдир.

Лоҳиқ⁶⁰ – маҳражда бир-биридан узоқ бўлган жинослардир. Бу ҳам лафзнинг боши, ўртаси ёки охирида келиши мумкин.

Бошида келганига мисол: قوله تعالى: ويل لكل همزة لمزة (الهمزة ، 1)

(Кишилар ортидан) гийбат қилувчи, (олдида) масхара қилувчи ҳар бир кимсанинг ҳолига вой!

“Хумаза ва лумаза” лафзлари орасида жиноси лоҳиқ бор бўлиб, “الهاء” ва “اللام” ҳарфларининг маҳражи бир-биридан узоқдир. Бири ҳалқум ва бошқаси тил маҳражи ҳарфларидандир.

⁶⁰ Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттах фи шарҳи тилхисил мифтах. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003. -Б. 48.

Ўртасида келганига мисол:

قوله تعالى: وإنه على ذلك لشهيد ، وإنه لحب الخير لشديد (العاديات ، 7-8)

Яна у бунга (ношукур эканига ўзи) гувоҳдир.

Яна у мол-дунё муҳаббатига жуда қаттиқ (берилувчи)дир.

“الدال” ва “الهاء” лафзлари орасида жиноси лоҳиқ бор. “شديد و شهيد” харфлари бир-бирига махражлари узоқ бўлиб, бири ҳалқум ҳарфи ва бошқаси тил ҳарфидир.

Охирида келганига мисол: Аббосия давлатининг атоқли шоири Абу Убода Бахтарийнинг байти: هل لِمَا فات من تلاق تلاف أم لشاك من الصبابة شاف ؟

Топилмас нарсага талофат етарми,

Ё муҳаббат касалига табиб борми?

“الفاء” ва “القاف” лафзларида жиноси лоҳиқ кўриниб турибди. “تلاق و تلاف” харфлари эса махражи бир-биридан узоқ ҳарфлардир. Бири тил бошқаси лаб ҳарфидир.

Ушбу жиносда фақат биргина ҳарфда ихтилоф бўлиши шарт қилинган. Агар икки ва уч ҳарфларда ихтилоф бўлса, улар орасида жиноси лафзий бўлмайди. نصر و نكل каби.

Ҳарфларнинг сонида ихтилоф бўлган жинослар – икки бир-бирига ўхшаш лафз ҳарфларининг сони ортиқроқ келади. У икки лафз бирининг ҳарф сони бошқасидан кам бўлгани учун жиноси ноқис дейилади. Уни **мутарраф, муктанфи ва музайял** турлари бор.

Лафзнинг бошида ортиқлик бўлса, уни **мутарраф** **المطرف** дейилади:

قوله تعالى: و التفت الساق بالساق إلى ربك يومئذ المساق (القيامة ، 29-30)

(жон бериш қийинлигидан) оёқ-оёққа чалишиб қолган бир вақтда

ёлғиз Раббингиз (ҳузури)га ҳайдалиш бордир.

Иккинчи лафзнинг аввалига “الميم” ҳарфи зиёда қилинди.

Лафзнинг ўртасида зиёдалик киритилган бўлса, уни **муктанфи** **المكتنف** дейилади:

جدى جهدى

Бахтим меҳнатимдир! “الجيم” ҳар икки лафзда фатҳалик бўлиб, иккинчи лафз ўртасида бир ҳарф орттирилган.

⁶¹المذيل **Музайял** деб лафзнинг охирида ҳарф орттирилган мисолларга айтилади: шоир Абу Таммом байти:

يمدون من أيد عواص عواصم تصول بأسياف قواض قواضب

Ёрдам қўлин чўзадилар, урувчи, ҳимоячи,

Қиличлар ила ташланур қаттол-у, кескир бўлувчи.

“عواصم” лафзида “الميم”, “قواضب” лафзида “الباء” ҳарфлари зиёда қилинди ва ҳар икки зиёдалиқ сўз охирида содир бўлди.

Сўз ҳарфлари ҳайъатидаги ихтилоф – сўз ҳарфларининг жойлашишида ўзгаришлар содир этиб, жиноси музил ясалади. Унинг **муҳарраф** ва **мусаххаф** турлари бор.

المحرف Муҳарраф – жинос сўзларнинг ҳаракат ва суқунларда бири-бирдан фарқланади, яъни ёзувда бир хил бўлади ва ҳаракат ва суқунлари турлича ўқилади:

جبة الثرد جنة البرد

Теридан бўлган чопон, совуқдан бўлур қалқон.

Бу мисолдаги “الثرد و البرد” лафзлари ўртасида жинос муҳарраф бор, биринчисининг ҳаракати заммалик, иккинчисини эса фатҳа билан ўқиш керак бўлади:

الجاهل إما مُفْرِط أو مُفَرِّط

Жоҳил кимса ё ҳаддан ошгувчидир ё сусткаш бўлгувчидир.

Биринчиси “икром боби”дан “الإفراط” ва бошқаси “такрим боби”дан “التفريط” масдаридан иштиқоқ қилинган исми фоил вазнида келтирилди.

الجناس المصحف Жиноси мусаххаф – ҳарфларнинг нуқталаридаги ўзгаришлар билан пайдо бўлади. Агар уларнинг ҳар икковидаги ёки биридаги нуқталар олиб қўйилса, қайси сўз эканини фарқлаб бўлмаслиги керак. Шоир Абу Наввоснинг байти:

من بحر شعرك أغترف و بفيض علمك أعترف

Ҳовучлаб олайн ашъоринг денгизидан,

Файз топай илму ирфонинг денгизидан!

⁶¹Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттах фи шарҳи тилхисил мифтах. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003. -Б. 47.

Байтдаги “أعترف و أعترف” лафзлари бир-биридан фақат “الغين” ҳарфидаги бир нуқта билан ажралиб турибди. Бу жиноси мусахҳаф бўлиб, нуқтани олиб кўйилса, сўзни аниқлаш мушқил бўлади.

Ҳарфларнинг тартибидаги ихтилоф, буни الجناس القلب **жиноси қалб** ҳам дейилади. Бунинг тўрт хил тури мавжуд:

1. القلب الكل қалб кулл – ҳарф тартибларининг ҳар бир ўзгариши;
2. القلب البعض қалб баъз – ҳарф тартибларининг баъзисини ўзгариши;
3. المجنح мужаннаҳ – қанот каби, икки томондан ўзгариши;
4. المستوى муставий – баробар ўзгариш.

Қалби куллий икки жинос бўлган сўзнинг бири охириги ҳарфидан бошлаб ўқилса, иккинчи сўз ҳосил бўлади. Мисол:

حُسامه فتح لأوليائه و حتف لأعدائه

Унинг шамишири дўстлари учун зафар ва ганимларига маҳлубият, ҳалокатдир. فتح و حتف лафзларида қалби кул, чунки бир калимани тескаридан ўқилса, иккинчиси пайдо бўлади.

Қалби жузъий – сўзнинг баъзи қисми тескари ўқишга тўғри келади. Мисол:

اللهم استر عوراتنا و آمن روعاتنا

Парвардигоро! Авратларимизни ёпгин, гуноҳларимизни тўсгин. Кўрққан, хавотирга тушган нарсаларимиздан омон қилгин!

“عوراتنا و روعاتنا” лафзларининг баъзи қисмини тескари ўқиш билан бошқасини пайдо қилиш мумкинлиги кўриниб турибди.

Мужаннаҳ – жинос бўлган икки лафзнинг аввали, ўртаси ёки охирида қалб келади. У икки қанот каби бўлгани учун ҳам мужаннаҳ дейилди. Сўз аввалида келганига мисол:

قد لاح أنوار الهدى فى كفه فى كل حال

Ҳидоят нурлари чарогон эди, Қўлларида ҳар аҳвол, ҳар он!

“حال” лафзи биринчи мисранинг бошида, иккинчи мисрада эса “لاح” лафзи охирида келган.

Муставий⁶² – шундай лафзларки, агар уларни орқасидан қўйиб ўқилса бир хил равишда ўқилади. Мисол: (كل فى فلك (يس، 40)

...ҳар бири (бир) фалакда...

Илми бадеънинг ушбу тури ҳақида баъзи олимлар катта рисоалар битганлар.

2. 63 رد العجز على الصدر Охирги лафзни бошига қайтариш, бу шеърий ва насрий асарларда учрайди.

Насрий асарларда икки такрор келувчи лафзнинг бирини ёки жинсдош лафз бўлиб, маъносининг эътибори бўлмайдиган ёки жинсдошга ёпишиб келган лафзлар бўлади. Бу иккисини иштиқоқ ёки шибҳи иштиқоқ ўзида жамлаб келтириш билан хоҳ жумланинг аввалида, хоҳ охирида амалга оширилади.

Такрорланиб келганига мисол:

قوله تعالى: و تخشى الناس و الله أحق أن تخشاه (الأحزاب ، 37)

...Аллоҳдан қўрқишга ҳақлироқ бўлган ҳолингизда, Сиз одамлардан (таъналаридан) қўрққан эдингиз...

Бу мисолда икки лафз бир маънода ва талаффузда ҳам бир хил равишда такрор келтирилди. Бири жумланинг аввалида, иккинчиси эса охирида келди.

Жинсдош бўлганига мисол: سائل اللّيم يرجع و دمعہ سائل

Бахилдан сўровчи ортга қайтади, Ҳолбуки кўз ёши оқувчан бўлди. Биринчи жинсдош лафз “السؤال”, бошқаси “السيلان” феълларидан олинган исми фоилдирлар.

Жинсдошга ёпишиб келадиганига мисол:

قوله تعالى: استغفروا ربكم ، إنه كان غفارا (نوح ، 10)

...Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир.

Ушбу мисолдаги икки келтирилган лафзларнинг асл масдари биттадир ва у “الغفران” сўзидир.

⁶² Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттах фи шарҳи тилхисил мифтах. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003. -Б. 48.

⁶³ Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттах фи шарҳи тилхисил мифтах. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003. -Б. 49.

Шибҳи иштиқоқ билан ёпишганига мисол:

قوله تعالى: قال إني لعملكم من القالين (الشعراء ، 168)

У айтди: -Албатта, мен сизларнинг (бу) ишларингизни ёқтирмайдиганларданман.

Бу мисолда “قال و قالين” ўртасида шибҳи иштиқоқ бор бўлиб, асл ҳарфлар талаффузи томонидан пайдо бўлди. Улар қоф ва «лом» ҳарфларидир. “قال” нинг масдари айтмоқ, “قالين” нинг масдари “قالى” ғазабланиш, нафратланиш маъносидадир. Демак, уларнинг масдарлари бошқа-бошқа экан.

Назмда охириги лафзни бошига қайтариш – байтнинг охирида ўтган сифатлардан бири билан икки сифатланган лафзнинг бири бўлишидир. Бу биринчи мисранинг бошида, ўртасида, охирида ёки иккинчи мисранинг бошида келади.

Такрор келувчиларнинг биринчисига мисол байт:

سريع إلى ابن العم يلطم وجهه وليس إلى داعى الندى بسريع

Шошади Амакиваччага, унинг юзин юлган ҳолда ,

Улуглик сари чорловчига, шошилмас бўлган тарзда.

Мисранинг ўртасида келган такрорга мисол:

و من كان بالبيض الكواعب مغرما فما زلتُ بالبيض القواضب مغرما

Ким бўлди навжувонларга ошиқ,

Ярақлаган қилич ила мен ҳамиша ошиқ!

Иккинчи мисра бошида келганига мисол:

ألما على الدار التى ولو وجدتها بها أهلها ما كان وحشا مقيلها

و إن لم يكن إلا معرّج ساعة قليلا فإنى نافع لى قليلها

Ёрдам беринг эе дўстлар тушмоқ учун ул диёрга,

Унинг аҳли одамларин, гар топар бўлсам унда,

Якка, ёлғиз бўлмасдир дам олиш вақти унда.

Гар, оз вақт ичинда бўлса турмоқлик унда,

Фойдали бўлур мен учун оз турмоқлик унда.

Бу мисолда такрор иккинчи мисра аввалида келди.

Жинсдошларнинг такрорига мисол:

دعائى من ملامكما سفاها فداعى الشوق قبلكما دعائى

*Ақлсиз ҳолда маломатиздан
Қўйинглар ўз ҳолимга мени,
Ошиқлик сари чорловчи зеро,
Сиздан аввал чорлади мени.*

Биринчи мисранинг аввалидаги лафз билан иккинчи мисранинг охиридаги лафзлар (دعائى و دعائى) жинсдош сўзлар бўлди. Лекин биринчиси "الوداع" тарк этиш, иккинчиси "الدعاء" дуо қилиш маъноларидадир.

3. Акс العكس – гапни шундай ҳолатда тузишки, аввалги сўзларни охирига қўйиб ўқилиши билан гап чиройли эшитилади. Мисол:

قول الإمام إمام القول

Раҳбарнинг сўзи сўзларнинг раҳбаридир. Жумланинг охири биринчиси билан тугади.

Байт: *Дунёлардан кечган эдим уни дея,*

Ул бевафо кечди мендан дунё ила.

4. Саж السجع⁶⁴ – шоирона, қофияли гапириш маъносида бўлиб, жумла бўлақларининг охирини битта ҳарфга мослаб келтиришдир. Бўлақларни қарина дейилади, чунки у бир бўлақни бошқасига яқинлаштиради. Уни, мисра ёки хатбоши маъносида, “фикра” الفقرة ҳам дейилади. Уч хил тури бор:

а: المطرّف мутарраф (охирига қўйилган);

б: المرصع мурассаъ (ўрнатилган, безатилган);

в: المتوازي мутавозий (мос, параллел қилинган).

Мутарраф – вазн жиҳатда икки бўлақнинг охири турлича бўлишидир:

قوله تعالى: ما لكم لا ترجون لله وقارا ، و قد خلقكم أطوارا (نوح ، 13-14)

Нега сизлар Аллоҳни улуглашни (ибодат қилишни) ўйламайсиз!?

***Ҳолбуки, У сизларни (она қорнидаги вақтингиздан бошлаб) босқичма-
босқич яратган бўлса?!***

⁶⁴ Абдулмутал Соъийдий. Буғятул Ийдох ли талхис ал-мифтах фи улум ал-балоға. Қоҳира. Мактабатул адаб 2005. -Б. 653.

“وقارا” биринчи бўлакнинг охирги лафзи, “أطوارا” иккинчисининг охиргиси бўлиб, уларнинг вазнлари турличадир. Зеро иккинчи ҳарф биринчи лафзда ҳаракатли, иккинчисида эса суқунлидир.

Мурассаъ - вазн ва қофияда мисранинг ҳаммаси ёки унинг кўп қисми мос келишидир. Шоир Ҳаририй байти:

فهو يطبع الأسجاع بجواهر لفظه و يقرع الأسماع بزواجر وعظه

Сўзлар дур гавҳарларин териб, маъно ясайдур,

Ваъз-насихати қулоқларни ларзага келтирур!

Иккинчи мисрадаги лафзлар биринчи мисрадаги лафзлар билан аввало вазнда ва қолаверса, охирги ҳарфларнинг қофиясида бир-бирига мувофик келди. “جواهر - العين” ҳарфи, “الأسجاع - الأسماع”, “يقرع - يطبع” қофиялари “الراء” ҳарфи, “وعظه - لفظه” қофияси “الظاء” ҳарфидир. Агар “الأسماع” сўзини “الأذان” га ўзгартирилганда, мисранинг кўпроқ қисми мос келтирилганига мисол бўлар эди.

Мутавозий – байт мисраларининг ҳаммаси ёки бирон қисми бир-бирига мос келмаслиги ясалади. Бу уч иш билан амалга оширилади:

1. Вазн ва қофияда тўғри келмаслиги билан;
2. Қофияда тўғри келмаслиги билан;
3. Вазнда тўғри келмаслиги билан ясалади. Уларнинг ҳар бирига мисоллар мавзуни ўзлаштиришга ёрдам беради:

Биринчисига мисол:

قوله تعالى: فيها سرر مرفوعة ، و أكواب موضوعة (الغاشية ، 13-14)

У жойда баланд сўрилар,

қўйилган қадаҳлар...

Бир-бирига яқин сўзлар – “سرر مرفوعة” ва “أكواب موضوعة” бўлиб, “فيها” лафзининг муқобили бўлмагани учун унга эътибор берилмайди. Демак, “سرر” лафзи аввалги жумланинг бир бўлаги бўлиб, унинг муқобилида кейинги жумлада “أكواب” лафзи келган. Улар талаффуз, вазн ва қофияда бир-бирига мос келмагандирлар. Иккинчисига мисол:

حصل الناطق و الصامت و هلك الحاسد و الشامت

(Мақсадларини очик) айтгучи ва (сирларни сақлаб) жим турувчи зот(нинг мақсадлари) ҳосил бўлди, ҳасадгўй ва ичиқора одам ҳалок бўлди. Биринчи жумладаги “حصل” билан иккинчи жумладаги “هلك” лафзларининг вазни бир хилдир. Лекин қофиялари мос эмасдир. Кейинги лафзларда ҳам аҳвол шундай. Учинчисига мисол: * والمرسلات عرفا * فالعاصفات عصفا قوله تعالى: (المرسلات ، 1-2) **Қасамёд этаман, пайдар-пай эсдириладиган (шамол)лар билан, қутурадиган (бўрон)лар билан...**

“المرسلات و العاصفات” лафзлари вазнда бир-бирига мос эмас. Лекин қофиялари мос келди.

Сажнинг чиройлироғи бўлаклари калима саноғида баробар бўлгандир.

قوله تعالى: فى سدر مخضود * و طلع منضود * و ظل ممدود * (الواقعة ، 28-30)

(Улар) тикансиз бутазорларда, тизилган бананзорларда, ёйиқ соя (ости)да...

Ҳар бир бўлак икки калимадан иборат бўлиб, ўзаро тенгдирлар. Иккинчи мартабада турадиган саж – иккинчи ва учинчи бўлаklar аввалгисига қараганда узунроқ бўлгандир.

قوله تعالى: والنجم إذا هوى * ما ضل صاحبكم و ما غوى * (النجم ، 1-2)

Ботиб кетаётган юлдуз билан қасамёд этаманки, сизларнинг соҳибингиз (Муҳаммад) залолатга кетгани ҳам йўқ, йўлдан озгани ҳам йўқ!

Бу мисолда икки бўлак келтирилди ва иккинчи бўлак биринчисига қараганда узунроқдир. Яна бир мисол:

قوله تعالى: خذوه فغلوه * ثم الجحيم صلوه * (الحاقة ، 30-31)

“(Эй, жаҳаннам қўриқчилари!) Уни ушлаб кишанлангиз!

Сўнгра уни оловда куйдирингиз!

Учинчи бўлак қолганларидан узунроқ экани билиниб турибди.

Сажни кейинги бўлаklари қисқароқ келиши уни чиройли қилмайди. Зеро, бу ҳолатда инсон бундай шеърий вазндан завқ олмайди. Қулоғига ҳам бу ғалати эшитилади.

5. **Издивож**⁶⁵ **الازدواج** – жуфтлаш маъносида бўлиб, бир-бирига яқин бўлган лафзларни жинсдош ҳолда келтиришдир.

قوله تعالى: من سبأ بنبا يقين (النمل ، 22)

...Сабаъ (шаҳри)дан ишончли хабар...

من جد وجد و من لج ولج

Ким жиддийлик билан тиришиб ҳаракат қилса, топади. Эшикни тақиллатишда қатъий турса, у очилади.

Лафзий таҳсинотнинг ушбу турини “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида “тазмини муздаваж” деб келтирганлар: -Байт ва сажда мўътабар жиҳатларни риоя қилган ҳолда икки ва ундан ортиқ лафзни ёнма-ён ёки бир-бирига яқин қилиб келтирилади. Улар эса тегишли ҳаракат ва ҳарфларининг эътибори билан қофияда бир хил бўладилар.

6. ⁶⁶ لزوم ما لا يلزم - Ўзига шарт бўлмаганни шарт тутиш. Ёзувчи ёки шоир қофия келтиришдан олдин келиши лозим бўлмаган бирон гапни, унинг бўлагини, шеърда ҳарф ёки ҳаракатни келтиради. Уни келтирмаса, гўё шеър ёки наср камол топмагандек бўлади.

Ҳарф ва ҳаракат биргаликда ортиқ келтирилганига мисол Туғроий Асбаҳонийнинг машҳур байти:

أصالة الرأي صانتني عن الخطل و حلية الفضل زانتني لدى العطل

Туғри фикр мени сафсатадан сақлади,

Фазилат беағи бекорликда зийнатлади.

قوله تعالى: فأما اليتيم فلا تقهر و أما السائل فلا تنهر (الضحى ، 9-10)

Бас, энди Сиз (ҳам) етимга қаҳр қилманг!

Соил (гадо)ни эса (малол олиб) жеркиманг!

Аммо етим ҳаққида унга қаҳр қилма, соилга қўпол бўлма!

⁶⁵ Баҳоуддин Абу Ҳомид Аҳмад ибн Али ибн Абдил Кофий ас-Субкий. Урусул Афроҳи фи шарҳи талхисил мифтаҳи. 1-4 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001. -Б. 385.

⁶⁶ Абдулмутал Соъийдий. Буғятул Ййдох ли талхис ал-мифтаҳ фи улум ал-балоға. Қоҳира. Мактабатул адаб 2005. -Б. 663.

Байтдаги равийлик ҳарфи⁶⁷ “اللام” дир. Ҳар икки мисрада «лом»дан олдин фатҳалик “الطاء” ҳарфи келтирилган. Бу ҳарф ва ҳаракатни келтириш лозим эмас эди. Оятда эса “الراء” ҳарфи охирида келтирилди. Ундан олдин фатҳалик “الهاء” ҳарфи ана шундай зиёдалик йўли билан келтирилган. Зеро шулар бўлмаса қофия камол топмайди.

Ҳаракатни лозим тутганига мисол, Имриул Қайс байти:

قسقط اللوى بين الدخول فحومل	قفا نبك من ذكرى حبيب و منزل
لما نسجتها من جنوب و شمال	فتوضح فالمقراط لم يعف رسمها

Тўхтанг,йиглайлик ётга олиб, дўсту ёрон ва манзил маконин,

Дахул ва Ҳавмал аро қум тепада,

Ўчмабти бешак асар излари,Тудих ва Микрот мавзеларида,

Чун жанубу шимол шамоллари, тарк этгандир албат улар узра.

Қофия бўлиб келаётган “اللام” ҳарф олдида фатҳа лозим этилган. Абу Аъло бу навни кенг ёритиб катта асар яратган.

⁶⁷ Қасида ва шеърларнинг охирги қисми, қофиясини айтилади. Баъзида шоирлар қасидаларини фақат бир ҳарф билан қофиялайдилар. Шунга қараб “мим”лик қасида, “ро”лик қасида ва ҳоказо дейилади.

2.2. Маънавий санадларнинг хусусиятлари

Маънавий санадларнинг тахсинотлари

المطابقة هي أن يجمع في كلام واحد بين معنى و مقابلة أو ضده

Мутобақа⁶⁸ – бир каломда икки бир-бирига қарама-қарши маъноларни жамлашдир. У бир сўз туркумидан ёки турли сўз туркумларидан бўлган лафзлардан тузилиши мумкин.

Иккови исм бўлганига мисол: قوله تعالى: وتحسبهم أيقاظا وهم رقود

Уларни уйғоқ деб ўйлайсан, ваҳоланки, мудроқдирлар. Бу мисолда икки бир-бирига маънода тескари бўлган лафзлар келтирилди. Уйғоқ ва мудроқ лафзлари бир жумлада жам келди, шунинг учун мутобақа бўлди. Кўриб турганингиздек иккала лафз ҳам исм сўз туркумидандир.

Иккови феъл бўлганига мисол: قوله تعالى: لا يموت فيها ولا يحيى

У ерда ўлмас ва ҳам тирилмас. лафзлари феъл сўз туркумидан бўлиб, маънода бир-бирига тескари бўлгани учун мутобақа бўлди.

Иккови ҳарф бўлганига мисол: قوله تعالى: لهما ما كسبت وعليها ما اكتسبت

Қилган яхши амаллари ўз манфаати учун, қилган ёмон амаллари ўз зиёнигадир. اللام ва على ҳарфлари бир-бирига қарши маънони ифодалайди, яъни бири фойда, бошқаси зарарни билдиради. Иккови бир каломда жам келди, шунинг учун бу гап мутобақа бўлди.

Турли сўз туркумидан бўлганига мисол: قوله تعالى: أو من كان ميتا فأحييناه

Ўлик, мурдор эмасмиди, биз уни тирилтирдик-ку!? Бу мисолда ميتا ва أحييناه лафзлари маънода бир-бирларига зид, аммо бир каломда жам келди. Мутобақа бўлди. Лафзлари эса, الميت - исм, أحييناه – феъл сўз туркумидандир.

Мазкур мисоллар каби қарама-қаршилиқ ижобий ва салбийликда бир-бирига мувофиқ бўлиб келиши мумкин. Гоҳида эса аксинча салбий ва ижобий бўлиши мумкин. قوله تعالى: ولكن أكثر الناس لا يعلمون يعلمون ظاهرا من الحياة الدنيا

Афсуски, кўп одамлар буни билмайдилар, билсалар ҳам, бу дунёнинг зоҳирига қараб кўриб турганларигина биладилар. لا يعلمون يعلمون феълларини

⁶⁸ Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 229-231.

бир каломда жамлаш мутобақа бўлди. Чунки, бир маъно ижобий-салбий бўлишда бир-бирига тескари бўлди: قوله تعالى: فلا تخشوهم واخشون

...Улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз! Бу мисолда ҳам чиройли мутобақани кўриб турибсиз.

Юқоридаги барча мисолларда тақобул - қарама-қаршилик очиқ келди. Аммо баъзан у махфий-яширин ҳам бўлиши мумкин. قوله تعالى: أغرقوا فأدخلوا نارا **Ғарқ қилиндилар кейин дўзахга киритилдилар.** Афсуски, الإغراق **чўктириш** ва الإدخال **киритиш** ўртасида маънода тескари бўлиб мосланиш йўқ. Балки, أغرقوا فأغرقوا فأدخلوا نارا - куйдириш бўлади. Яъни **Чўктирилдилар кейин куйдирилдилар кейин дўзахга киритилдилар.** (Хўлландилар кейин қуритилдилар). Мана энди бу мисолда муқобала махфий – яширин экани маълум бўлди.

Худди шундай махфий муқобалани ушбу ояти қаримада ҳам кўриш мумкин: قوله تعالى: أشدّاء على الكفار رحماء بينهم **Кофирларга қаттиқ қажрлик, бир-бирларига ўзаро жуда раҳм-шафқатликдирлар.** الشدة **Қаттиқлик** билан الرحمة **раҳм-шафқат** ўртасидаги муқобала яширин. Раҳмат ўзига юмшоқликни лозим тутди. Юмшоқлик эса қаттиқликка тескари маъно бўлади.

Демак, муқобала бир каломда икки ва ундан кўп бир-бирига тескари маънодаги лафзларни тўплаб гап чиройли ва бетакрор қилиш экан.

I. المقابلة هي أن يؤتى بمعنيين غير متقابلين أو أكثر ثم يؤتى بما يقابل كلّاً على الترتيب اللفظي **Муқобала**⁶⁹ – аввал икки ва ундан кўп бир-бирига тескари бўлмаган маъноларни келтириб, кейин ҳар бир маънога мос равишда, тартиб билан уни тескарисини зикр қилишдир. Муқобала иккитадан то олтитагача маънолар ўртасида бўлиши мумкин. Мутобақадан фарқи ҳам шунда, мутобақа бир каломда бир маънога зиддини келтириш билан кифояланади. Муқобалада эса бир каломда бир неча бир-бирига қарама-қарши маънолар жамланади ва шуниси билан чиройли гап тузишга йўл кўрсатади.

Иккиталикка мисол: قوله تعالى: فليضحكوا قليلا وليبكوا كثيرا **Камроқ кулинг ва кўпроқ йиғланглар.** الضحك و القلة кулмоқ ва камлик зикр этилди, кейин уларга

⁶⁹ Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 231-232.

мос қилиб, тартиби билан йиғлаш ва кўплик الكثرة والبكاء келтирилди. Кўриниб турибдики, лафзларни маънолари бир-бирига зид, муқобаладир.

Учталиқка мисол, шеър: ما أحسن الدين و الدنيا إذا اجتماعا و أقبح الكفر و الإفلاس بالرجل

Қандай ҳам гўзалдир гар жам этса,

Киши ўзинда бойлик ва дину-иймон.

Не қабихлик, ки, у ўзда жам этса,

Камбағаллигу хорлик ҳам куфру-исён.

Бу мисолда маъноси учта бир-бирига зид бўлмаган сўзлар أحسن و الدين و أقبح الدنيا келтирилди, кейин буларга тартиби билан тескари маъноли сўзлар الإفلاس و الكفر зикр этилди.

Уларнинг фойдаларига покиза **Уларнинг фойдаларига покиза** *нарсалар ҳалол ва нопок нарсалар зарарларига ҳаром қилинди.* Бу ояи каримада ҳам учта бир-бирига тескари маънолар гўзал услубда жамланганини кўряпмиз.

Тўртталиқка мисол: قوله تعالى: فأمّا من أعطى و اتقى و صدّق بالحسنى فسنيّره لليسرى و أما من بخل و استغنى و كذب بالحسنى فسنيّره للعسرى

Бас кимки берса (саховатпешалик қилса) ва тақво қилса (Аллоҳ ҳузуридаги неъматлар – жаннат ва раҳматларга муҳтож бўлса) ва гўзални (калимаи тоййибани) тасдиқласа (рост деса) уни биз тезда енгилликларга муяссар этиб қўямиз. Аммо кимки, бахиллик қилса ва ўзини бой-беҳожат санаса (Аллоҳ ҳузуридаги неъматларни дунёни афзал кўрса) ва гўзални ёлгонга чиқарса, уни биз тезда машаққатларга муяссар этиб қўямиз.

Бу мисолда ҳам аввал тўртта бир-бирига зид бўлмаган калималар келтирилди, кейин уларнинг зид маънодаги муқобаллар тартиб билан зикр қилинди. البخل و الإستغناء و الإفلاس و التصدق و البخل و الإستغناء лафзларига зид маънодаги البخل و الإستغناء лафзларидир. Тақво билан истиғнони ўртасида яширин муқобала бор. У истиғнонинг маъноси бойлик талаб этиш, беҳожат бўлишни талаб қилиш, яъни Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсалардан беҳожат бўлиш, ундан зуҳд қилишдир. Бошқача айтиш жоиз бўлса, дунё матоъларини жаннатдаги

неъматларидан ҳожатига яроқлироқ санашдир. Шу сабаб Аллоҳдан амалларида қўрқмайди. Энди тақво ўрни маълум бўлди.

Бешталикка мисол, шеър:

أزورهم و سواد الليل يشفع لى و أنتنى و بياض الصبح يغرى بى

Тун қаросини ўзимга ён бостириб,

Уларникига борар эдим.

Қайтганимда тонг ёруғлиги чиқиб,

Мени ошкор қилар эди.

Ушбу байтда ҳам шоир моҳирлик билан бешта бир-бирига қарама-қарши бўлган лафз маъноларини жамлашга эришган. Биринчи мисрадаги келтирилган الإنتشاء و البياض و الصباح و الزيارة و السواد و الليل و الشفاعة و حرف اللام шафоат-ён олиш ва лом ҳарфларига кейинги мисрадаги الإنتشاء و البياض و الصباح инсино-қайтиш, оқ, тонг, хиёнат қилиш ва бо ҳарфлари маънода қарама-қарши бўлгани учун муқобала бўлди.

Олтиликка мисол, шеър: على رأس عبد تاج عز يزينه وفى رجل حرّ قيد ذلّ يشينه

Қул бошида иззат тожи, қандай ярашган,

Хур оёғида қандай хунукдир, хўрлик кишани.

Ушбу мисолда ҳам муқобала очиқ. على ҳарфи устида маъносида бўлиб, унинг муқобили فى ҳарфи ичида маъносида ишлатилади. Бош – оёқ, қул – озод, хур, тож – кишан, иззат – зулл, хорлик, чиройли қияпти – хунук қияпти. Нотиқ ва қаламкашдан чуқур тажриба ва дид талаб қиладиган гапни чиройли қилишни муқобала усули нутқу назмни бетакрор бадийликка етказди.

II. المشاكلة هى أن يذكر الشيء بلفظ غيره

Мушокала⁷⁰ – мақсаддаги маънони бошқа бир лафз билан зикр этишдир. *Ёмонликни жазоси (унинг мислидек) ҳудди шундай ёмонликдир.* قوله تعالى: وجزاء سيئة سيئة مثلها

⁷⁰ Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттах фи шарҳи тилхисил мифтах. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003. -Б. 32.

Ёмонликнинг жазоси ёмонлик эмас, балки уни ислоҳ қиладиган уқубат, азоб бўлади. Шунда оятнинг маъноси *جزاء سيئة عقوبة تعادلها* Ёмонликнинг жазоси унга тенг келадиган азоб-уқубатдир, бўлади. Саййиаҳ лафзининг уқубат лафзи ўрнига зикр этилиши ёмонликнинг уқубати, жазоси деб бирга келтирилиши борлиги учун мушокаладир. Шеър:

قالوا: اقترح شيئاً بجد لك طبخه قلت: اطبخوا لى جبة و قميصا

*Демишларки, топгил пиширмоққа бирон,
Неки, тайёрлаб берайлик сенга уни шул он.
Дедимки, гар бўлса, шу розингиз рост,
Пиширинг мен чун, чопону куйлак мос.*

Чопон ва куйлак тикишни пишириш лафзи билан ифодалаши мушокала бўлиб, бадийийтда бу ҳам кишидан чуқур зийракликни талаб қилади.

III. الإستخدام هو أن يذكر لفظ بمعنى و يعاد عليه ضمير بمعنى آخر أو يعاد عليه ضميرين يراد بثنائيهما غير ما يراد بأولهما

Истихдом⁷¹ – калимага ёпишиб келадиган замир – олмошларни бошқа маънолардан қайтаришдир. Аввал бир лафзни келтирилади. Кейин унга қайтган замир бошқа маънода қайтарилади ёки икки замир - олмош бошқа-бошқа маънолар билан қайтадилар. Соддароқ айтганда, замир - олмошларни хизмат қилдиришдир. Бошқа маъно шу лафзнинг кўчма маъноси демакдир. Битта замирликка мисол:

إذا نزل السماء بأرض قوم رعيناه وإن كانوا غصابا
*Осмондан тушар ёмғир ила кўкатлар,
Бор ер юзида жаҳлдору жоҳил элатлар,
Ҳудди шуларнинг ерида ўтлатар моллар.*

Шоир бу байтида қўшниларининг уларга нисбатан ғазабнок бўлсалар ҳам, ёмғир ёғгандан кейин уларнинг яйловларида молларимизни боқамиз,- демоқчи бўляпти. Унда истихдом услубидан яхши фойдаланган.

⁷¹ Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттах фи шарҳи тилхисил мифтах. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003. -Б. 34.

Ушбу байтда *الغيث* лафзи ёмғир маъносида келди, кейин унга *ر عيناه* даги олмоши *النبات* кўкат маъносида ишлатилди.

Иккинчи турига мисол: байт

فسقى الغضا والساكنيه و إن هموا شبهه بين جوانحى و ضلوعى

Ёнди ҳам куйди кўнглим муҳаббатдан,

Ҳам вайрон бўлди кўнглим жароҳатдан.

Дўстларимо, келинг қалбим ўчоғига ўт ёқинг,

Муҳаббатдан абгор, бу ҳолимга бир боқинг.

Устухоним, жигару юракларим пора-пора,

Қани кўрсам маъшуқимни яна бир бора.

Шоир бу манзилда яшайдиган дўстларини, улар қалбини қаттиқ куйдириб, ёндирсалар-да, сув куйишга чақиради. *الغضا* кучли аланга билан ёнадиган дарахт – саксовул бўлиб, ушбу байтда унга икки лафзга ёпишган олмошлар бошқа-бошқа маъноларни ифодалаяпти, лекин қайтадиган калимаси ана шу саксовул лафзидир. Биринчиси *الساكنيه* лафзидага изофа қилинган замир ва бу билан макон, манзил ирода этилди. Иккинчиси мафъулликка кўра насб бўлган *شبهه* феълига ёпишган олмош бўлиб, у билан саксовулдан чиқаётган кучли аланга ирода этилди.

Саксовулга сув қуйиб саъй қилсалар-да,

Унинг яшовчилари бўлмиш дўстларим,

Қалбу вужудим алангасин кучайтирдилар.

IV. *التورية هي أن يذكر لفظ له معنيان أحدهما قريب والثاني بعيد*

Таврия⁷² – икки маъноли лафзни келтиришдир. Икки маънони бири қариб, яъни бу маъно билан бу лафз кўп истеъмол қилинади. Бошқаси баъийд маъно, чунки кам ишлатилади ва бу лафзни баъийд маънога далолати яширин, махфийдир. Шунинг учун унга далолат қилиш учун қаринага суяниш шартдир.

⁷² Абдулмутал Соъийдий. Буғятул Ийдох ли талхис ал-мифтах фи улум ал-балоға. Қоҳира. Мактабатул адаб 2005. -Б. 595.

الإستواء **Раҳмон ариши эгаллади.** قوله تعالى: الرحمن على العرش استوى
 лафзининг икки маъноси бор. Қариб маъносига кўра مكان الإستقرارفى маконда
 қарор топиш, баъийд маъноси الغلبة بالقهرو الشيء على الشيء бирон нарсани
 голиблик ва куч билан эгаллаш маъноларини билдиради. Оятдан мана шу
 иккинчи баъийд маъно ирода этилгандир. Қарина қариб маънони Аллоҳга
 боғлашнинг амри маҳоллигидир. الله كبير من كل كبير فتعالى الله الملك الحق Аллоҳ ҳар
 бир катта нарсадан каттароқдир, ҳақ ва мулк эгаси бўлган Аллоҳ улуғ
 бўлсин! У замон ва макондан холий зотдир.

أرادہ و أظهر غيره масдар бўлиб, луғавий маъноси ورى يورى التورية
 уни ирода қилиб бошқасини изҳор этишдир. Тавриянинг яна бир маъноси
 узоқ маънони яқини билан яширишдир. Таҳсиннинг бу навини الإيهام – гумон
 қилдириш ҳам дейилади. Чунки, эшитган киши кўнглида биринчи бўлиб
 қариб маънони англайди ва мутакаллим шуни ирода қияпти деб ўйлайди.
 Ваҳоланки, уни қасд қилмагани кейин маълум бўлади.

Таврия икки қисм мужаррада ва мурашшаҳага бўлинади. Мужаррада -
 қариб маънога оид бўлган, уни қувватлайдиган бирон нарса келтирмаслик.
 Мисол қилинган оят каби. Чунки الإستواء лафзини қариб маъноси бўлган
 الإستقرارفى مكان маконда қарор топишни қувватлайдиган бирон бошқа нарса
 айтилмади.

Мурашшаҳа – илгари ёки кейин келтирилишидан қатъий назар қариб
 маънога оид, уни қувватлайдиган нарсани келтиришдир. Олдин зикр
 қилинганига мисол: قوله تعالى: والسماء بنيناها بأيد **Биз осмонни қудратимиз билан**
бино қилдик. Қўл бир аъзога ишлатилади ва бу унинг қариб маъносидир. У
 қудратга ҳам ишлатилади. Оятдаги қасд қилинган маъно ҳам шудир. Қарина
 ҳақиқий қўлни Аллоҳга боғлашнинг амри маҳоллигидир. Ваҳоланки, оятда
 қариб маънони қувватлайдиган лафз олдин келтирилган ва у بنيناه
 калимасидир. Чунки, бино қилиш қўл билан амалга оширилади.

Кейин келтирилганига мисол: шеър

لم أصل منه إلى اللثم	مذ همت من وجدى فى خالها
خالى قد هام به عمى	قالت : قفواواستمعوا ما جرى

*Рухсорин холини топғандин буён,
 Мажнун каби ақлим йўқотдим,
 Вале етмадим бўса олмакка ҳамон,
 Ул жонон деди: холим на қилди зиён.
 Суҳану чиройи ҳам чин бўлди мутлоқ,
 Не қилмиш холи бирла бу гўзал яноқ,
 Тўхтаб кўринг, яхишлаб солинг қулоқ,
 Амаким ақлин йўқотгани ҳақиқат, бироқ.*

الخال лафзи насабда тоғага айтилади ва бу қариб маъносидир. Яноқдаги хол эса баъийд маъносидир. Икки маъноли лафз الخال дан кейин унинг қариб маъносига далолат қилувчи عمى амаки лафзини келтиргани учун мурашшаҳа бўляпти.

V. الفّ والنشر هو أن يذكر متعدد ثم يذكر ما لكل واحد

Лафф ва нашр⁷³ – бир неча нарсаларни зикр қилиб, кейин ҳар бирига лойиқ бўлган нарсаларни бирма-бир тартибига риоя қилмасдан баён қилишдир. Унинг муфассал ва мужмал қисмлари бор.

Муфассал – Бир неча нарса кенг қилиб ўралган ҳолда келтириб, кейин ўралишнинг тартиби билан ёки бетартиб равишда нима эканини ҳар бирига нашр қилиб баён этишдир. Тартиблигига мисол:

Сизларга قوله تعالى: ومن رحمته جعل لكم الليل والنهار لتسكنوا فيه ولتبتغوا من فضله **кечаси ором олишингиз ва кундузи Аллоҳнинг фазлини излашингиз учун кеча ва кундузни яратиб қўйгани Аллоҳ раҳматидан белги қилди.**

Кеча ва кундузни муфассал зикр қилди, кейин кечаси ва кундузида нима борлигини баён қилди. Кечада сукунат ва ором олиш бор, чунки бу уйқу ва роҳатланиш вақтидир. Кундузи эса ризқ, насиба излаш бор бўлиб, бу меҳнат ва машаққат қилиш вақти ҳисобланади. Кўриниб турибдики, нашр лаффнинг тартиби билан амалга ошириляпти.

⁷³ Абдулмутал Соъийдий. Бугъатул Ийдох ли талхис ал-мифтаҳ фи улум ал-балоға. Қоҳира. Мактабатул адаб 2005. -Б. 600.

Иккинчиси нашр лаффнинг тартибига мос келмайдиган туридир. У ҳам икки хил бўлади. 1. Нашр лаффнинг тескариси бўйича баён этилади.

كيف أسلو وأنت حقف و غصن و غزال لحظا و قذا و ردفا

Недин тонай энди мен тасаллий,

Сен эса, улуглигинг қум уюми,

Навнихол новдадек, яна бир оҳу,

Нозкарашмангу қадди қоматинг,

Неки, гавданг тузилиши ҳайбатинг.

Шоир энди қандай тинч, хотиржам бўлар эканман,- дейди. Ҳеч бир нарса қўнглимга тасаллий бермас. Чунки, сен шундай беқиёс гўзаллик тимсолига айландинг. Нигоҳинг оҳудек нозланади, навнихол новда каби қоматинг саллоланар, гавданг эса ҳайбати катта қум уюми – барҳанга ўхшайди,- деб маҳбубига муносабатини ва рашқини изҳор қилади.

Байт лафзларига эътибор қилинса, аввал учта мақсадни зикр этилди. Кейин эса охирги мақсаднинг шарҳи, ундан кейин ўртадаги ва охирида биринчи мақсадни нима эканини тушунтирди. Демак, оҳу охирги мақсад ва у нимаси билан эканини дарҳол биринчи бўлиб, назарда деб баён этди. Кейин иккинчи мақсад новдани қоматида ва охирида биринчи зикр этилган ҳайбат-савлати катта қум уюми билан таърифлади. Кўриб турганингиздек, байтда лаффнинг аксига нашр баёни келяпти.

2. Нашр аралаш бўлими. *هو شمس و أسد و بحر جودا و بهاء و جرأة* *У мисли қуёш, шер ва денгиз сахийлик, нур ва журъатда.* Тартиби бўйича денгизни сахийлик билан, шерни журъат билан ва қуёшни нур-ёруғлик билан шарҳловчи сифатида келтириши керак эди.

Мужмал – бир неча нарсани мужмал қилиб келтириб кейин ҳар бирини баён қилиб беришдир. *قوله تعالى: وقالوا لن يدخل الجنة إلا من كان هودًا أو نصارى* Дарҳақиқат бу оятда *قالوا* лафзида *الواو* воситасида бир неча мужмал лафзлар келтирилди. Чунки бу лафзлар, яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам сўзларидир. Кейин ҳар икки томонни *قوله تعالى: وقالوا لن يدخل الجنة إلا من كان هودًا أو نصارى* деб хос жиҳатларини зикр қилди. Шунда оятнинг маъноси: *قالت اليهود لن يدخل الجنة إلا من*

كان هودا وقالت النصارى لن يدخل الجنة إلا من كان نصارى **яхудийлар жаннатга фақат яҳудий бўлганларгина киради дейдилар, насронийлар эса, жаннатга фақат насронийларгина киради, дейдилар,** бўлиб чиқади. Демак, ҳар бир томон бошқасини кофирга чиқараётган экан.

VI. التوجيه و يسمى الإيهام – وهوان يؤتى بكلام يحتمل على السواء معنيين متباينين أو متضادين

Тавжих⁷⁴, ийҳом ҳам дейилади – маънолари тенг очик, бир-бирини тўлдирадиган ёки бир-бирига зид бўлган сўзларни бир каломда келтиришдир. Тавжихнинг луғавий маъноси юзлантириш, йўналтириш, ийҳом эса гумон қилиш, шубҳаланиш воҳималаниш каби маъноларни касб этади. Бу билан мутакаллим мақсадини ўзига зарар келтирмай етказиш имкониятини қўлга киритади. Ҳажв ёки мадҳ этишда бу услуб жуда қўл келади. Мисол:

Муҳаммад ибн Ҳазмдан ҳикоя этишларича, у Ҳасан ибн Саҳлни Бурон исмлиқ қизини халифа Маъмунга никоҳлаб бергани учун ҳамма қатори табриклагани борган эди. Табрикловчиларни ибн Саҳл хурсанд қилиб, ҳадялар бериб жўнатарди. Аммо ибн Ҳазмни ҳадядан маҳрум этди. Унга алам қилиб: «Агар мени илтифотларингдан маҳрум этишда бардавом бўлсанг, сен ҳақингда шундай бир байт ёзаманки, унда мақтаганимни ҳам, ҳажв қилганимни ҳам билолмайсан», - деб мактуб битди. Ибн Саҳл Муҳаммадни ҳузурига чақиртирди ва гапларига иқроқ қилдиргандан сўнг:

-То шеърингни айтмагунингча, мендан бирон нарса олмайсан!- деди.

Ибн Ҳазм: *بارك الله للحسن وليوران في الختن يا أمام الهدى ظفرت و لكن بينت من ؟!*

Куёв танлашда Аллоҳ барака берди,

Ҳасанга куёв ва қизи Буронга эрни,

Эй, ҳидоят пешвоси! Бу зафар қутлуг!

Лекин кимнинг қизи-ла зафар берди!?

بينت من Кимнинг қизи билан деган сўзи ҳурматини баландлиги, шаънини улуғлигини айтмоқчими ёки пасткашлиги, разиллиги ва хорлигини айтмоқчими, билиш жуда мушкул. Аммо мутакаллим қайси маънони ирода

⁷⁴ Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 244.

қилган бўлса, уни ифодалашга мукаммал эришди ва шу билан бирга ўзига келиши мумкин итоб ва зарардан ҳам қутилиб қолди. Ҳасан байтга қойил қолди ва:

-Бу ўзингни тўқиганларингдан-ми?- деб сўради.

-Йўқ,- деди ибн Ҳазм,- уни Башор ибн Бараднинг шеъридан олдим. Унинг бундай шеърлари кўпдир.

Ибн Барад ҳақида шундай ҳикоя қиладилар. Амр деган ғилай тикувчига чакмон тикиб беришни буюрди. Тикувчи унга ҳазил қилиб:

-Сенга шундай бир чакмон тикайки, у чакмонми ёки паранжими билмай қолгин,- деди.

-Ундай бўлса, сен ҳақингда бир байт битайки, эшитган киши сени мақтаганимни ҳам, мазаҳ қилганимни ҳам билолмай қолсин,- деди Башор. Тикувчи эса ваъда қилганидек бир ажойиб кийим тикиб берди. Шунда Башор:

خاطرى عمرو قباء ليت عينيه سواء قل لمن يعرف هذا أمديح أم هجاء

Амр тикибди менга бир чакмон,

Кошки эди кўзлари бўлса баробар,

Буни билганга айтгин, эй ёр

Ҳажвми бу ёки мақтов?

Шундай қилиб, шоир мақсадини моҳирлик билан яширди. Кўзлари ғилай кишини кўзларини тўғри бўлишини талаб этдими ёки бошқами таъйинлаш мушқилдир. Агар яхшилиқни тилаган бўлса, тўғри ва мукаммал кўрадиган бўлсин, деб дуо хайр қилган бўлади. Тўғри соғ кўзини ғилай ва қийшиқ, бир кўз бўлишини талаб қилган бўлса, комил кўр бўлсин, деб дуои бад қилган бўлади.

VII. الإقتباس هو أن يضمن الكلام – نثرا كان أو نظما – شيئا من القرآن أو الحديث لا على أنه منه
Иқтибос⁷⁵ – каломнинг ичида шеър ёки бирор асардан парча бўлишидир. У Қуръон, ҳадисдан ёки бошқадан бўлиши мумкин. Иқтибосни шундай тайёрлаш керакки, у каломга киришиб кетсин, шунда у чиройли чиқади.

⁷⁵ Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 246.

Панду-насихат, эсдалик ва зухдлик маъноларини келтириш усулида, хуллас хар қандай ҳолатни ислоҳ қилиш учун олинган иқтибослар энг яхшиси ҳисобланади. Иқтибос икки хил бўлади:

1. Иқтибос қилинган жумла ўзининг аслий маъносидан чиқмайди. Шоир Ҳаририй: *كؤز очиб юмгунча, балки у ундан* *أو هو أقرب* *ҳам яқинроқ муддатки, ҳеч нарса бўлмади.* Ушбу гапдаги охирги *أو هو أقرب* жумласи ояти каримадан олинган бўлиб, оятнинг маъноси ўзгартирилмаган ҳолда ишлатилди. Шеър:

إن كنت أزمعت على هجرنا من غير ما جرم "فصبر جميل"
وإن تبدلت بنا غيرنا "فحسبنا الله ونعم الوكيل"

*Бўлган иш бўлиб ўтди кетди,
Шул сабаб қароринг ҳам кетди,
Ҳижрон алангаси бизга етди,
Бу мусибатга сабри жамил тутди.
Кўнглинг биздан бошқага бўлса мойил,
Бизни ҳам алмаштирдинг-му, унга қойил,
Аллоҳ бизга кофий-ю вофий
Ва қандай ҳам у яхши вакил.*

Ушбу байтларда шоир Қуръони карим оятларидан парчаларни маъноларини ўзгартирмаган ҳолда ишлатяпти.

2. Иқтибос қилинган жумла аслий маъносидан чиқиб кетади. Шоир Аббосий: *لئن أخطأت في مدحك ما أخطأت في معنى* *لقد أنزلت حاجتي* *بواد غير ذي زرع*

*Сени мақтовимда жуда хато қилдим,
Лек ман этмоғимда хато қилмадим.
Сенга арзу ҳожатим демоқдан ўлганим хўб,
Умидсизлик водийсида ҳамроҳ бўлдим кўб,
Гўё сен гиёҳ ўсмас, экин унмас бир водий,
Ҳақ йўлига кўндир ҳолимни эй, Ҳодий!*

Байтдаги *الوادى غير ذي الزرع* иқтибоси Қуръони каримдан олинган. Ўсимлиги ҳам ва суви ҳам бўлмаган, қақшаб ётган ер маъносида келган.

Шоир бу маънони яхшилиги, фойдаси йўқ маъносига моҳирлик билан бурган. Шеърий зарурат бўлгани учун оятни маъносидан мана шундай фойдаланиш зарар қилмайди.

قد كان ما خفت أن يكونا إنا على الله راجعون

*Бўлиб қолди, бўлмоғидан қўрққоним,
Қайтурмиз Аллоҳ ҳузурига эй, жоним!*

*Бўлмоғидан қўрққаним бўлиб қолди,
Қайтурмиз барчамиз Аллоҳ ҳузурига.*

Қуръондаги асли *إنا إليه راجعون* **Албатта биз Аллоҳга қайтувчидирмиз!** Бу мисолда оят лафзларини ўзгартириб келтирилди. Аммо маъноси асли ҳолида қолди. Шеърий зарурат учун буни кечиримлик деганлар.

Ҳадисдан иқтибосга мисол:

قال لى: إن رقيبى سبىء الخلق فداره قلت: دعنى " وجهك الجنة حفت بالمكاره"

*Деди менга: рақибим хулқи ёмон,
У бирла мураса бoғла беомон,
Дедим: мени ўз ҳoлимга қўй,
Зерo, чеҳранг жаннат мисoли
Ки, гўзал хулқлар ичра ёри.*

Ҳадиснинг асли бундай: *حفت الجنة بالمكاره و حفت النار بالشهوات* Жаннат макориҳ – гўзаллик, мақтовлар ила, дўзах шаҳватлар билан ўралди.

VIII. الجمع هو أن يجمع بين شيأين فأكثر فى حكم واحد

Жам⁷⁶ – икки ва ундан кўп нарсани бир ҳукмга жамлаш. *قوله تعالى: المال والبنون زينة الحياة الدنيا* **Молу дунё ва фарзанду-аржумандлар бу дунёнинг зийнати, гўзаллигидир.** Ушбу ояти каримада *المال والبنون* молу дунё бойликларини ва фарзанду зурриётларнинг ҳукмини бир нарсага келтирилди ва у бу икки нарса дунё беағи ва чиройи эканидир.

IX. التفريق هو أن يفرق المتكلم بين أمرين مندرجين تحت جنس واحد

⁷⁶ Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. ал-Мутоввал шарҳу талҳиси мифтаҳил улуми. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001. -Б. 656.

Тафрик⁷⁷ – бир жинс асосида бир-бирига навбатда турган икки амрни ажратиб кўрсатишдир. Шеър:

ما نوال الغمام وقت الربيع كنوال الأمير وقت سحاء
فنوال الأمير بدرة عين ونوال الغمام قطرة ماء

*Баҳор вақти булутлар илтифоти,
Мисли амирнинг лутфу-саҳовати.
Амир илтифоти минг дирҳам ҳамён,
Булут илтифоти атроф сув-ла равон.*

Ушбу байтда икки النوال берилган, эришган нарса маъносидаги лафзлар жинси битта бўлган الأَعْطاء ҳукми остида кетма-кет келтирилди. Кейин шоир уларнинг мартабаларини ажратиб берди. Амирнинг лутфини ёмғирдан устун қилди, чунки бирининг бошқасидан фойдаси кўпроқдир.

Х. التقسيم هو أن يذكر متعدد ثم يضاف إلى كل من أحاده ما يخصه على التعيين Тақсим – бир неча нарсаларни келтириб, кейин ҳар бирининг ўзига таъйинлик, хос бўлган хислати билан зикр қилишдир. Таъйинлиги деб қайд этиш, уни лафф ва нашрдан фарқ қилдиради. Чунки, лафф ва нашрда таъйинлаб қўйиш йўқ. Балки, унда киши ўз фикри-фаҳмига суянади. Тақсимга мисол:

ولا يقيم على ضيم يراد به إلا الأذلان – غير الحى والوتد
هذا على الخسف مربوط برُمته وذا يشجّ فلا يرثى له أحد

*У хоҳлаган ноҳақликни ҳеч кас қоим этмас,
Икки хордан бўлак ҳеч зот журъат этмас.
Бу хорлар қишлоқдаги ёввойи эшакдир,
Бошқаси эса катта тоғки, кимса юрмас.
Бу ипига қаттиқ боғлиқ, ҳеч қўзғалмас,
Уни боши ёрилиб ўлса, марсия айтилмас.*

Шоир кибрланиб кетганидан ҳақни ноҳақдан ажратишни хоҳламаётган инсонни таърифляпти. Кибри ва қайсарлигини бир жиҳатдан ёввойи эшакка ва бошқа томондан тоғга ўхшатишга киришади. Кибр ва қайсарликни охири

⁷⁷ Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. ал-Мутоввал шарҳу талҳиси мифтаҳил улуми. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001. -Б. 657.

хорлик, пасткашлик эканидан қайсар эшак ва баланд қия тоғ қанчалик керак бўлмаса, арзимас ҳақир нарса каби эътиборга олинмаганини ҳисобга олади. Ўзининг кибр тоғидан йиқилиб боши ёрилиб вафот этса, уни эслайдиган, марсия ўқийдиган зот йўқ дейди. Шоир العير والوند ёввойи эшак ва ернинг козиғи – тоғни зикр қилди. Кейин уларнинг вазифасини тақсимлаб, биринчиси الربط على الخسف *хорликка боғлиқлик* ва иккинчисини هواة الشَّجِّ بلا هوادة *боши қонаганига ачинмасликни* изофа қилди.

XI. المبالغة هي أن يدعى بلوغ وصف في الشدة أو الضعف حدًا يستحيل أو يبعد

Муболаға⁷⁸ – бўрттириш, жуда етукликни даъво қилишдир, унда кучли ёки заифлиги хаддан зиёда ошириб юборилади ва бўлиши амри маҳол қилинади ёки уни узоқлаштирилади. Муболаға уч қисм: таблиғ, игроқ ва ғулувга тақсимланади.

Таблиғ етказиш, бўрттириш, огоҳлантириш каби маъноларда бўлиб, даъво қилинаётган нарсани бўлиши ақлан ҳам, одатда ҳам учраши мумкин эканини билдиради. Имриул Қайс шеъри:

فعادى عداء بين ثور و نعجة در اكا فلم ينضح بماء فيغسل

*Бир ўқ билан ҳўкиз ва эчкини урди-туширди,
Терламай, сувин чиқармай пайконига туширди.
Гар шундай бўлса эди, бир қоп сувга тушарди.*

Ҳўкиздан мурод ёввойи ҳўкиз, эчки билан эса ёввойи сигирни ирода қилган бўлиб, бу билан шоир ўз отини сифатламоқчи бўлди. Бир шартда икки ёввойи ҳўкиз ва ёввойи сигирни кўрганини, уларга эришгани даъво қилди. Лекин терламади. Чандики, буни бўлиши ғоятда нодир, камёб бўлса-да, ишни ақл жоиз санаши мумкин, одатда ҳам омад кулса, амри маҳол эмас.

Игроқ ғарқ қилиш, чўктириш маъноларида бўлиб, даъво қилинмиш нарсани фақат ақл идрокида жоиз бўлишини, ҳақиқатда эса мутлоқ бўлмаслигини билдиради. Абу Тоййиб шеъри:

أطارت الريح عنها الثوب لم تَبْنِ روح تردد في مثل الخلال إذا

⁷⁸ Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. ал-Мутоввал шарху талхиси мифтаҳил улуми. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001. -Б. 665.

كفى بجسمى نحولاً أننى رجل لولا مخاطبتى إياك لم ترنى

*Озиб суяғи қолибди, шаббода эсса йиқилур,
Шаббода йиқитиб, лек кийимини кўтаролмас,
Дерки, жисмимнинг нозиклиги эр эканимга кифоя,
Хитобим бўлмаса ҳеч кўрмасдинг, бўлмасди бу ҳикоя.*

Жуда озиб кетган ҳолатни ақлда тасаввур этиш мумкин, аммо ҳақиқатда учрамайди.

Иғроқ чиройли бўлиши учун қасд қилинган маънони бўлишини мумкинлигини яқинлаштирадиган қариналар билан келтириш билан бўлади. Улар *لو* ва *لو* каби лафзлар билан амалга ошади. Мазкур байтда булардан *لولا* келтирилди. Шунинг учун муболағанинг таблиғ ва иғроқ турларини мақбул санайдилар. Бунинг яна бир сабаби, уларда ёлғонлиги очик билдирилади ва рад этишни вожиб этадиган ҳол йўқ бўлади.

Ғулув жуда чуқур кетиш, ўзбошимчаликда ҳаддан зиёда ошиш маъносида бўлиб, даъво қилинмишни ақл билан ҳам, одатда ҳам бўлиши мумкин эмаслигини билдиради.

ХII. *حسن التعليل هو أن يدعى لوصف " على جهة التظرف " علة مناسبة ليست له فى الواقع*
Хусни таълил⁷⁹ воқеъликда бўлмаган мос иллат, сабабни ажойиб бир жозибали сифатлаш учун даъво қилишдир. Ушбу сифатнинг ҳоли икки ишдан холий бўлмайди:

1. Сифатни ўзида собит бўлиши, шунда унинг иллатини баён этиш қасд қилинади.

2. Сифат ўзида бўлмайди, бунда даъво қилинаётган иллат билан уни исботлаш қасд қилинади.

Биринчиси икки тур бўлади: одатда сифатга иллатни зоҳир эмаслиги; даъвосиз ҳолда иллатни сифатга зоҳир бўлиши. Аввалига Абу Ҳилол Аскарый шеъри:

جمع البنفسج أنه كعذاره حسناً فسلّوا من قفاه لسانه
Бинафша кўп аро бериб, гўзалман деб ўйлабди,

⁷⁹ Абдулмутал Соъийдий. Бугътул Ийдох ли талхис ал-мифтах фи улум ал-балоға. Қоҳира. Мактабатул адаб 2005. -Б. 616.

Хурулиқо юзиндаги попукман деб сўйлабди.

Шул сабаб, тилини орқасидан олиб ташланди.

Бинафша баргларини ён-атрофига, орқасига қараб чиқиши бор сифат, бунинг бирор сабаби йўқ. Ҳақиқатда ҳам шоир, бинафшада воқеъликда йўқ бўлган сифат сабабини кўрсатди. У тилини орқасидан суғуриб олинишидир. Чунки, ўзини маҳбубининг юзидаги попугига гўзалликда ёлғон ва тўқима қилиб ўхшатди.

Иккинчисига мисол: Абу Тоййиб Мутанаббий шеъри:

ما به قتل أعاديهِ و لكن يتقى إخلاف ما ترجو الذّاب

Не сабаб бор экан ёвларин қатл этмас-му, лекин

Қўрқарди оч бўрилар умид этганин хилофидин.

Бу ўринда душманларини ҳалок ва хонавайрон этишга ундайдиган бирон нарса йўқ, дейди. Бунинг сабаби султонлиги, давлатининг куч-қудрати билан уларни босиб қўйганидир. Аммо қатл этишга чорлаётган нарса оч ва ваҳший бўрилар жамиятининг орзусини рўёбга чиқаришдир. Бу орзу эса, душманларнинг гўштлари билан тўйиб тановул қилиш. Шу билан бирга у бу орзудан умид узишларини ҳам хоҳламайди. Шунинг учун душманларини ўлдиради. Бу сифат собит, иллати одатда бор, яъни душман зарарларини даф қилиш ҳамда мамлакат ичини уларнинг турли жанжал низоларидан холий этишдир.

Шоир эса, бу сабабни бошқача қилиб, қулоқ эшитмаган, гўё ҳаёлга келмаган сабаб билан ифодалашга уринди. Бу сабаб воқеъликда ҳақиқатда топилмайди – ўзи бўриларни орзусини рўёбга чиқариб, ризқларини (у ҳалок этган душман гўштлари ҳисобига) кенг-мўл қилишдир.

2. Сифатни ўзида собит бўлмаслиги, бунда даъво қилинаётган иллат билан уни исботлаш қасд қилинади. У ҳам мумкин ва мумкин бўлмаган турларга бўлинади. Мумкин сифатга мисол Муслим ибн Валид шеъри:

يا واشيا حسنت فينا إساءته نجى حذارك إنسانى من الغرق

Эй, чақимчи! Ёмонликларининг

Бизга яхшилик, ҳасанот берди,

Бир инсонни эҳтиёткорлигинг

Ғарқ бўлишдан нажот берди.

Ғийбатчи ва фосиқ одамни одатда ҳеч яхшиланмайди. Шоир эса, уни яхшилаган ва бу одатда йўқ сифатдир. Аммо бўлиши мумкиндир. Шоир шуни исботламоқчи бўляпти. Ўз ўйлаганини сабаб қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Бу чақимчининг жуда эҳтиёткорлигидан тушуниш мумкин бўлган нарса ва бу ўзи билганларини сездириб қўяди ва бировнинг мусибатига шод эканини, хурсандлигини ошкор қилади. Буни йиғлашдан ўзини босиб туриши билан билдиради. Натижада бир инсон ғарқ бўлишдан сақланиб қолади.

Мумкин бўлмаганига мисол:

لو لم تكن نية الجوزاء خدمته لما رأيت عليها عقد منتطق

Ғар жавзонинг бўлмаса эди хизматларига чоғи,

Ҳеч кўролмасдинг устидаги сернуқта тақинчоғин.

Демак, мақталмишнинг хизмати жавзонинг нияти бўлиши бўлмағур ва мумкин эмас нарсадир. Зеро, ният қилиш идрок қила биладиган зотларга хосдир. Шоир эса, мана шу мазкур сабаб билан исботламоқчи бўляпти. Ўша сабаб ўртаси кўп нуқталик эканидир. Одатда бу ишни хизматкорлар қиладилар.

إنتلاف اللفظ مع المعنى هو أن تكون الألفاظ على وفق المعانى XIII.

Лафзларни маънога мувофиқ равишда терилган бўлиши⁸⁰. Масалан, лафзларнинг сермаъно, энг фасоҳатлиси, иборалари жуда қотиб кетганини комил маънолар олиш учун ихтиёр қилинади. Фахр ва ҳамоса - жасурлик, пахлавонлик ҳамда ваъийд - ёмон оқибат, азоб-уқубат билан хабар бериш ва таҳдид каби маънолар олинади. Шунингдек, видолашув, хотиржамлик, тинчлик-осойишталик маъноларини ифодалаш учун шоирона гаплар, юмшатадиган, ҳамдард бўладиган, раҳм-шафқат, узру-маъзур, авфу-иноятларга ўхшаш маънолар танлаб олинади.

Фахр ва ҳамосани ифодалаган Башор ибн Бараднинг шеъри:

إذا غضبنا غضبة مضرية هتكنا حجاب الشمس أو قطرت دما

⁸⁰ Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 259.

إذا ما أعرنا سيدا من قبيلة ذرا منبر صلى علينا و سلما

Зеро, зарар бергучидек қаттиқ ғазабланиб эдик,

Қуёш пардасин йиртдикми ё қон оқдимми, не қилди.

Бирон саййиду-раусин айбидан сўйламадик,

Жангу-низо шамолда учди, бизга салом ва дуо қилди.

Ушбу байтлар маъносида шоир ўз боболарининг покизалиги, бағрикенг ва адолат пеша бўлганларини тараннум этмоқди.

Иккинчиси – мулойимлик, раҳм-шафқат ҳақида Абул Аттоҳия шеъри:

تذكر أمين الله حقى و حرمتى وما كنت تولينى لعلك تذكر

فمن لى بالعين التى كنت داءما إلى بها فى سالف الدهر تنتظر ؟

Мени ҳаққу ҳурматимни хотиринга келтир

Ишончли омонатдир!

Модомики, мендан юз ўғирмаётган экансан,

Шоядки мени эслаётган бўлсанг.

Бас, доим ўзим билан бўлган кўзим ила миннат айла,

Ўтган умрим ичинда назорат қиларсан ҳам кўрарсан.

Бу байтларда ҳам шоир ўз ҳолига нисбатан меҳр-шафқат уйғотмоқчи экани сезилиб турибди. Шу билан бирга мақсадини очиб берувчи сўзларни қандай териб келтираётгани ҳам таҳсинга сазовордир. Ана шундай – لكل مقام مقال – ҳар мақом, жой учун унга хос бўлган ўз муносиб гапи ва ҳар тўхташ ўрни, мавқифнинг жойи, мажоли бор.

XIV. حسن الإبتداء هو أن يكون الكلام بارع المطلع

Хусни ибтидо⁸¹ – каломни ажойиб таъсирлик, ёқимли, жуда ажиб гўзаллик билан киши кўнглини ўрайдиган, қулоққа енгил, хуш ёқадиган қилиб бошлашдир. Бу лафз ширин, чиройли қуйилиб келиши, маъноларининг тўғри, саҳиҳ бўлиши билан ҳосил бўлади. Чунки, биринчи бошланган калом энг аввал қулоққа киради ёки назар энг олдин тушади.

Агар калом бошида юқоридаги сифатларнинг эгаси бўлса, эшитувчи ёки ўқувчининг қалбидан ўз ўрнини чиройли ҳолда дарҳол топади. Шунинг

⁸¹ Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 261.

учун, ҳарчанд қолган гапларда олийлик, бошқалардан ажралиб, устун бўлиб туриш бўлмаса ҳам бу гапга юзланади, унга аҳамият кўрсатади ва охиригача уни эшитиш, ўқишни етказди.

Агар гапни боши мана шу нозик жиҳатларга қиё боқмаган бўлса, қолган гаплар чиройли, маънолари моҳирона ифодаланган бўлса-да, киши ундан безийди, орқасини ўтиради ва нафратланади, қочади.

Ҳусни ибтидонинг энг чиройлиси мақсадга нозик, усталик билан жимжимадор ишорани ичига олган бош гапдир. Уни *براعة استهلال* **бошлаш санъати** дейилади. Шоир Мутанаббий Сайфуддавлани дарду-аламдан соғайгани билан табриклайди:

المجد عوفى إذ عوفيت والكرم وزال عنك إلى أعداءك الألم

Бахту тахтга кулиб боқди омад,

Ки, сенга буткул келди офият,

Наинки, балки, ҳам караму саховат.

Дарду аламлар зойил бўлсин тоабод,

Ғанимларга макон бўлсин бу ҳоли бад.

Байтнинг энг биринчи лафзи мажд – бахт-омад, яхшилик билан бошланяпти. Бу чиройли бошлашнинг бир кўриниши бўлди.

Ашжаъ Салмий қасрнинг бино бўлганини муборак этади:

قصر عليك تحية و سلام خلعت عليك جمالها الأيام

Эй, қаср! Салому таҳийёт сенга бўлгай,

Кунлар гўзаллигин ечиб сенга бергай.

Салом барча яхшиликлар тилаги билан бошланга бу байт ҳам киши диққатини жалб этиши табиийдир. Абу Таммом бир марсиясини матлаи-бошланишида шундай дейди:

كذا فليجل الخطب وليفدح الأمر فليس لعين لم يفيض ماؤها عذر

Баланд парвоз нутқлар қилинсин,

Бу мусибатлар ҳам босилсин.

Кишиким, кўзи ёшсиз эрур,

Анингким, узри йўқ дурур.

Кўриниб турибдики, чиройли бошлаш учун қўйилган шартлар тўлиқ амалга оширилса, бошланган гап охирига етказилади. Эшитувчи ҳам мақсадни тўлиқ англаб олади. Мақтов ва табрик бошларида албатта, гумон ва аҳмоқона бўлган нарсалардан сақланиш шарт бўлади. Кўзлари ожиз ибн Мақотил қасидасини аввалида халифа Алавийни мақтамоқчи бўлади ва қош кўяман деб, кўз чиқариб қўяди:

موعِد أحبابك بالفرقة غد *Дўстларинг бирла ваъдалашган жой эртага Фурқатдадир.* Фурқат – жой номи бўлиб, кўпинча уни биринчи маъноси тушунилади ва у ажралишдир. Гўё эртага дўстлари билан ажрашиш ваъдалашилган деган кўпол маъно пайдо бўлади. Бу байтни ўқиб берганида Алавий ҳам мана шундай деяпти деб ундан шумланди ва унга:

بل موعِد أحبابك يا أعمى و لك مثل السوء Балки, эй кўр! Ўзингни дўстларингга ваъдалашган вақтингдир. Сен ҳақингда ёмон масал айтсинлар,- деб қаҳри сочди.

Ривоят қилишларича, мана шу ибн Мақотил Меҳрижон байрами куни Алавий ҳузурида мана бу байтни айтган экан:

لا تَقْل بَشْرِي و لَكِنْ بَشْرِيَان غَرَّة الداعى و يوم المهرجان

Бир башорат дема, лек икки зўр башорат,

Бири Меҳрижону бири менга зўр мукофат.

Алавий бу гапдан қаттиқ шумланди, мени мазаҳ қиляпти деб, юзи тубан балчиққа ташлашларини буюрди. Кейин эллик дарра урдирди ва:

-Уни одобини ислоҳ қилиш мукофатлашдан кўра яхшироқдир,- деди.

Демак, эшитувчи кўнглига шубҳа ва бошқа ана шундай салбий ҳолатларни келтирмаслик керак экан.

XV. حسن الختام أن يكون الكلام بارع المقطع

Ҳуснул хитом⁸² – калом охирини эшитганда ҳуш, ажойиб таъсирлик, ёқимлик, жуда ажиб гўзаллик билан киши кўнглини ўрайдиган, керак бўлса уни ларзага соладиган, қулоққа енгил қилиб яқунлашдир. Чунки, гапнинг охири қулоқнинг энг охирида эслаб қоладиган, киши хаёлу-вужудида ажиб

⁸² Балоғат фани Баён ва бадеъ илмлари. Зокиржон Шарипов. -Т., Мовароуннахр нашрети, 2014. -Б. 264.

тасаввур ва завқ-шавқ қолдирадиган ўрнидир. Шунинг учун, у чиройли бўлса нафс уни хоҳлайди, кулоқ ундан лаззат олади.

Гоҳо каломда нуқсон ва камчиликлар билан қолиб кетгани учун у жобир – синовчи, қийновчи бўлади. Шунинг учун ҳам, агар гап интиҳоси чиройли, таъсирлик бўлмаса, унга нафрат ва бешиш, энсаси қотиш билан юзланади. Натижада иш, мақсад тескарисига айланиб кетади. Қулоқ эшитишдан орланади, оғиз эса уни туфлаб ташлайди. Шу билан эшитувчи ёки ўқувчи ўқиган-эшитганларини барчасига мазаммат ва танқид назари билан илтифот этади.

Бир сўз билан айтганда, гапнинг охири таом тановул қилишнинг мақомида туради. Бир неча таомларнинг сўнггида ширинликлар берилса, гўё таомдаги баъзи камчиликларни ёпиб юборади. Киши ўзини ширин ва мазали овқат тановул қилдим деб билади. Аммо лаззатлик ва ширин таомлар охирида аччиқ ва тахир нарса тортилса, киши фақат тахир ва аччиқ еб-ичганман деб ҳисоблайди. Чунки оғзидаги охириги аччиқ-тахир таъм кетмайди ва ҳамма таомни шундай деб тасаввур этишга чорлайди. Барча лаззатларни унуттиради.

Ажиб хатм этилганга мисол: Абу Наввос шеъри:

وإني جدير " إذ بلغتك " بالمنى وأنت بما أملت منك جدير
فإن تولنى منك الجميل فأهله وإلا فإنى عاذر و شكور

*Мен, зеро эриштириб орзу-умидингга, муносибдирман,
Ваҳоланки, ўзинг умид қилганимчалик муносибдирсан.
Гар гўзаллик ва анинг аҳли сендан юз олиб менга юзланса,
Магар кўп узр айтгувчи ва шукр қилгувчи бандадирман.*

Ҳусни интиҳонинг энг чиройлиси – калом охирини эълон қилишким, ҳатто ундан кейин нима бўларкин деган нарсага интилиш қолмасин. Уни براعة المقطع тугатиш, кесиб олиш санъати дейилади. Абул Аъло шеъри:

بقيت بقاء الدهر يا كهف أهله وهذا دعاء للبرية شامل

*Эй, Каҳф аҳли! Дунё тургунча туринг, ки,
Бу дуойим, кишилар учун умум турур.*

ХУЛОСА

Ушбу малакавий ишда балоғат илмининг энг кўзга кўринган уламоларидан ва ушбу фаннинг ривожланишига улкан хисса қўшган аллома Жалолиддин ал-Қазвинийнинг “Талхисул мифтах” асарини илмий тадқиқ этиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳаммамизга маълумки, Қуръон оятларини, Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ва араб шеърийатининг асл мазмуни ва маъноларини кенгроқ тушунишда балоғат фанининг ўрни бекиёсдир. Албатта, араб тили ва унинг сир-асрорларини мукаммал ўрганишга киришган инсон сарф ва наҳв илми билан феълий ва исмий жумлалар тузиш қоидаларини ўрганган бўлса, балоғат фани орқали араб тилининг мажоз, ҳақиқат ташбеҳ, киноя, баён, маоний, бадеъ каби мавзулари билан танишиб, ҳар бир гапни вақти ва ўрнига қараб, муқтазои ҳолга мувофиқ равишда ифода этишни ўрганади.

2. Араб тили олимлари гапнинг балоғатли бўлиши учун фасоҳат қоидаларига амал қилинишини таъкидлаганлар. Фасоҳат қоидалари сўзлар ва жумлаларга оид бўлиб, сўз уч нуқсондан ҳоли бўлиши, яъни: 1. Сўздаги ҳарфларнинг махражлари бир хил ёки ёнма-ён келиб қолмаслиги; 2. Сўзларни ишлатишда машҳур вазнлар ва сарфий қоидаларга мос келиши; 3. Истеъмолдан чиққан (нодир), маъноси унутилган сўзлардан фойдаланмаслик керак. Шунингдек, жумлаларда ҳам уч нуқсон бўлмаслиги керак, яъни: 1. Грамматик (наҳв) қоидаларига мувофиқ тузилиши; 2. Гапда олмошларни ўз ўрнида қўллаш ва тартибга ҳилоф бўлмаслиги; 3. Гап бўлакларининг ўрнига эътибор қаратиш. Ушбуларга амал қилинганда балоғатнинг намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

3. Балоғат тушунчаси кенгроқ маънода, умуман нутқда фасоҳат сўз ва жумлаларнинг ўзига нисбатан ишлатилади. Яъни, сўзловчининг нутқи балоғатли бўлиши учун уни нутқидаги ҳар бир сўз ва жумлаларни фасоҳат билан тузилган бўлиши ва гап айтилаётган ҳолат ва шароит талабига мос

бўлиши керакдир. Бундан келиб чиқиб, ҳар бир балоғатли ҳам фасоҳатлидир, лекин ҳар бир фасоҳатли балоғатли эмасдир.

4. Ислом илмларининг манбаи ҳисобланган Қуръони Карим тафсири, ҳадиси шарифларни араб тилида яратилган кўп асрлик бебаҳо кўлёмаларимизни маъноларини ўрганиш, мазмунини тушунишда балоғат илмини ўрни каттадир. Бу илмга доир кўплаб асарлар ёзилган бўлсада, XIII асрни иккинчи ярми XIV асрни биринчи ярмида яшаб, илмий фаолият олиб борган Жалолиддин ал-Қазвинийнинг “Талхисул мифтах” асари балоғат мавзуларини ва қоидаларини батафсил баён қилишда ўзига хос услуби билан алоҳида аҳамият касб этади.

5. Бадеъ илми гапни, фикрни чиройли, таъсирли баён қилиш услубларини ўргатадиган илм бўлиб, икки хил қисмдан иборатдир. Ушбу баён гапнинг маъносига оид бўлса – маънавий таҳсин ва гапдаги (сўз) лафзларни ўзига оид бўлса – лафзий таҳсин (чиройли қилиш) дейилади. Лафзий таҳсин мазмуни ва турлари Жалолиддин ал-Қазвинийнинг “Талхисул мифтах” асарида батафсил ёритилган бўлиб, ушбу тадқиқот ишида асосан олти тури ўрганиб чиқилди.

6. Лафзий таҳсинлар ичида жинос, яъни сўзларни талаффуз ва жарангдорликда бир бирига яқин ва ўхшашлиги комил ва комил бўлмаган хилга бўлиниб, комил жинос икки лафзни тўрт ҳолат – харфлар тури, сони, аҳволи ва тартибида бир бирига мос келишидир. Комил бўлмагани бир бирига мос келмагани бўлиб, уни уч тури; мутарраф, муктафи ва музайял турлари бордир. Охирги лафзни бошига қайтариш насрда ҳам назмда ҳам кузатилади.

7. Тадқиқотда маънавий таҳсинларнинг ўн беш тури ўрганилди ва ҳар мазмуни бирини мисоллар ёрдамида очиб берилди. Маънавий таҳсинларни ёритишда Қуръони Карим оятлари, ҳадиси шарифлар, араб шоирларини шеърлари, мақол ва ҳикматларидан фойдаланилди. Баъзи гапларнинг балоғатли бўлишига сабаб бўлган муқтазои ҳолати кўрсатиб берилди.

8. Ўзини ва ҳамсуҳбатини ҳурмат қилган ҳар қандай инсон қайси тилда гаплашишидан қатъий назар, ўша тилнинг қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда чиройли сўзларни ишлатиб, жумлада ўз ўрнига қўйиб тўғри ва тутилмасдан ҳамда суҳбатнинг мавзусидан четга чиқмасдан равон суҳбатлашишга ҳаракат қилади. Зеро, суҳбатнинг ушбу жиҳатларини эътиборга олиб, суҳбатлашиш инсоннинг етук фасоҳат ва балоғат соҳиби эканига далолат қилади. Албатта бу ўзича бўлмай, бу каби малакага инсон балоғат фанига доир асарларни кўп ўқиш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш орқали эришади. Аллома Қазвинийнинг “Талхисул мифтах” асарларини чуқур ўрганиш ҳам айни мана шу ҳаракатга қўйилган бир кадам ҳисобланади.

Аллома Жалолиддин ал-Қазвинийнинг балоғат илми борасида ёзилган ушбу “Талхисул мифтах” асарлари хали мукаммал ўрганилмаган китоблар сарасига кириб, тўлиқ ўзбек тилига таржима қилиниши ва ўқув қўлланма сифатида унумли фойдаланиши кечиктирилмайдиган зарурий ва долзарб ишлардан биридир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбек тилида

1. Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2008. -173 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. Ўзбекистон, 1998.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. Ўзбекистон. 1999. –Б
4. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент. Тошкент ислом университети, 2004. -617 б.
5. З.Шарифов. Балоғат фанидан маърузалар матни. Тошкент. Мовароуннаҳр нашриёти. 2002. -8 б.
6. З.Шарифов. Балоғат фани. Тошкент. Мовароуннаҳр нашриёти. 2014. -295 б.
7. Муаллифлар гуруҳи. Ан-наъим (арабча-ўзбекча луғат). Тошкент. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. -959 б.
8. Ўрта Осиё олимлари қомуси. Тузувчи: Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Тошкент. Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. –468 б.

2. Араб тилида

9. Қуръони карим.
10. Тобарий Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир. Жомеъ ал-баян ала тавийли айил-Қуръон (ал-маъруф тафсир ат-Тобарий). 4-жуз. Байрут-Ливан. Дарул ихъут-турос ал-арабий, 2005. -406 б.
11. Собуний Муҳаммад Али. Софватут тафосир. 3-жуз. Байрут. Дарул-қолам, 1986. -638 б.
12. Бухорий Муҳаммад ибн Исмоил. Саҳиҳ ал-Бухорий. 3-жуз. Қоҳира. Дарут-тақво, 2001. –637 б.

13. Айний Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Муса ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Бадриддин. Умдатул-қорий шарҳу Саҳиҳ ал-Бухорий. 14-жуз. Байрут. Дарул-фикр, 2005. -768 б.
14. Найсабурий Муслим ибн Ҳажжож Қурайший. Саҳиҳи Муслим. 5-жуз. Байрут Дарул-жайл, –245 б. Мактабатуш-шамила.
15. Сижистоний Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас. Сунани Абу Довуд. 1-жуз. Байрут-Ливан. Дарул-маърифа, 2001. – 470 б.
16. Насайй Аҳмад ибн Шуъайб. Сунани Насайй. 5-жуз. Риёз. Мактабатут-тарбиятил-арабий, 2007. –280 б.
17. Саъдуддин Хатиб Қазвиний. Ал-Ийдох фи улумил болоға. Байрут. Дарул жайл. 1949.
18. Абдулмутал Соъийдий. Буғятул Ийдох ли талхис ал-мифтах фи улум ал-болоға. Қоҳира. Мактабатул адаб 2005.
19. Ибн Синон Хуфажий. Сирр ал-фасоҳа.
20. Дурусул болоға. Ҳифнийбек Носиф. Муҳаммадбек Даййоб. Девбанд. Дорул улум, 1998. -21 б.
21. Муҳаммад Абдулғаффор Ҳамза. ал-Болоға. Қатар. Тарбия ва таълим вазирлиги. 1988 й. -43 б.
22. Иззуддин Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим Жазарий. Ал-масал ас-саир фи адаб ал-котиб ваш-шаир. 373-бет
23. Каҳҳола Умар Ризо. Мўъжамул муаллифийн. 12-жуз. Байрут-Ливан. Дарул ихъут-турос ал-арабий, 1957. –320 б.
24. Зириклий Хойруддин. Ал-Аълам (қомусу ат-тарожим). 7-жуз. Байрут-Ливан. Дарул-илм лил-малайин, 1984.–352 б.
25. Қураший Солим ибн Абулвафо Ҳанафий. ал-Жаваҳир ал-музия фи тобақотил-Ҳанафия. 1-жуз. Риёз. Дарул-улум, 1978. –504 б.
26. Заҳабий Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Сияру аълам ан-нубало. 4-жуз. Муассасатур-рисала, –621 б. Мактабатуш-шамила.

29. Мисрий (Африкий) Абул Фазл Жамолиддин Муҳаммад ибн Мукрим ибн Манзур. Лисан ал-араб. 2-жуз. Байрут-Ливан. Муассасатул-аълами лил-матбуаът, 2005. –2136 б.
30. Аллома Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. ал-Мутоввал шарҳу талхиси мифтахил улуми. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001.
31. Баҳоуддин Абу Ҳомид Аҳмад ибн Али ибн Абдил Кофий ас-Субкий. Урусул Афроҳи фи шарҳи талхисил мифтаҳи. 1-4 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2001.
32. Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Ибн Яъқуб ал-Мағрибий. Маваҳиб ал-Фаттаҳ фи шарҳи тилхисил мифтаҳ. 1-2 жузлар. Байрут-Ливан. Дор ал-Кутубил илмийя, 2003.